

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 336.77.067

**КАРИМОВА АЗИЗА МАХОММАДРИЗОЕВНАНИНГ**

**“Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда банк  
кредитларидан фойдаланишни такомиллаштириш”.**

(АТБ Ўзсаноатқурилишбанк Самарқанд вилоят филиали мисолида)

5A230701-Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

# Диссертация

Илмий рахбар: и.ф.н. Ниёзов З.Д.

Самарқанд-2015

Магистр Каримова Азиза Махоммадризаевна томонидан “Тижорат банклари томонидан туризм соҳасини кредитлаш ва уни такомиллаштириш йўллари” АТБ “Саноатқурилишбанк” маълумотлари асосида таёрлаган магистрлик диссертациясига

### Т а к р и з

Туризм соҳасини кредитлаш жараёни тижорат банклари фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланиб, унинг самарадорлиги банклар молиявий барқарорлигига бевосита ва кучли таъсир кўрсатиши даркор. Бироқ бу соҳани банклар томонидан кредитлаш банклар томонидан яхлит ҳолга келтирилмаган, туризм соҳасини кредитлаш умумий тарзда амалга оширилиши сердаромад бўлган соҳани иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу борадаги ишларни янада ривожлантиришни амалга ошириш мавзунинг долзарблигини йўқотмайди.

Магистрлик диссертациясида туризм назарияси, Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари, Самарқандда туризмни ривожланиши, АТБ “Саноатқурилишбанк” фаолияти ва банкнинг кредитлаш жараёнлари бир неча йиллик маълумотлар асосида таҳлил этилган ва соҳани ривожлантиришга доир бирқатор таклифлар берилган.

Магистр томонидан диссертациянинг назарий қисмида соҳага доир назарий қарашлар ва соҳа мутахассисларининг фикрлари ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг навбатдаги қисмида АТБ “Саноатқурилишбанк” томонидан амалга оширилган ишлар диаграммалар, жадваллар, чизмалар ва расмлар мисолида акс эттирилган.

Муаллиф томонидан туризмни ривожлантириш масалларида соҳа мутахассисларини таёрлашда банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари. Туризмни ривожлантиришда туристик объектларни яратишда банк кредитларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида бир қатор фикрлар берилган.

Умуман магистрлик диссертацияси қўйилган талаблар асосида бажарилган, химояга тавсия этилади ва юқори баҳолашга арзийди.

Илмий раҳбар и.ф.н.



Ниёзов З.Д.

### **Аннотация.**

Сўнги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётидаги тез ривожланиб келаётган тармоқлардан бўлиб бормоқда. Бу соҳа нефть қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан сўнг йирик учликка кирадиган катта даромад келтирувчи тармоқ ҳисобланади.

Туризм соҳасини ривожлантириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Туризм бизнесида, нисбатан кам харажат қилиниб кўп фойда олинади, аҳоли қўшимча иш жойлари билан таъминланади, туристик фаолияти бир қанча бошқа тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Расмий маълумотларга кўра туризм соҳаси дунё ялпи миллий маҳсулотининг 6 фоизга яқинини, жаҳон инвестициясининг 7 фоизини, дунё истеъмол харажатларининг 11 фоизини, барча солиқ тушумларининг 5 фоизини беради

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири-бу ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилишдир бу бўйича ўзаро фикрлар бериш ишнинг илмий янгилиги бўлиб ҳисобланади.

### **Annotation**

**Tourism economy in the world in recent years are among the fastest annual networks. After this technical mining and production of automotive oil major triad is the largest revenue generating network access.**

**It is vital in the current economic and social development in the field of tourism. Tourism businesses are relatively low cost proclaimed many benefits, additional jobs will be provided with the population, shows the impact of the development of tourism activities in several other networks. According to official data, the tourism industry complains 6 % of the worlds gross national product, 7% of investments in the world, 11%of the world consumer spending. 5% of all tax revenues.**

**Tourism is one of the important conditions for the development of this field in this area is to attract investment, this is the business of mutual opinions on scientific innovations.**

## Мундарижа:

Кириш.

4-5

### I.боб. 1.ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ.

1.1.Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

6-15

1.2. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

16-21

1.3.Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг истикболлари.

21-28

### II.боб. АТБ “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИДА СОҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ.

2.1. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг соҳаларни кредитлаш фаолияти.

29-35

2.2.Туризм соҳасида кадрларини тайёрлашда банк кредитларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш.

31-35

2.3. Туризмни инвестициялаш ва банк кредитларидан фойдаланиш.

35-40

### III.боб. ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ.

3.1. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг халқаро тажрибаси ва ундан фойдаланиш.

41-49

3.2. Туризм соҳасини ривожлантиришда АТБ “Узсаноатқурилишбанк” кредитларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш.

49-63

Хулоса ва таклифлар.

64-67

Тавсия этилаётган адабиётлар.

68-71

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва табақалаштириш стратегиялари замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларни йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифаларни ўрганиб бориш тобора **долзарб** бўлиб бормоқда.

Магистрлик диссертациясида АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиали ва шу банкнинг мижозларининг фаолияти **тадқиқот объекти** қилиб олинган. Тадқиқот ишининг **предмети** тижорат банкларнинг туризмсоҳасини ривожлантиришда банк кредитлардан фойдаланиш соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўлиб хисобланади.

Туризм соҳасини ривожлантириш ҳам **иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга** эга. Туризм бизнесида, нисбатан кам харажат қилиниб кўп фойда олинади, аҳоли кўшимча иш жойлари билан таъминланади, туристик фаолияти бир қанча бошқа тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Расмий маълумотларга кўра туризм соҳаси дунё ялпи миллий маҳсулотининг 6 фоизга яқинини, жаҳон инвестициясининг 7 фоизини, дунё истеъмол харажатларининг 11 фоизини, барча солиқ тушумларининг 5 фоизини беради<sup>1</sup>.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири-бу ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилишдир бу бўйича ўзаро фикрларбериш ишнинг **илмий янгилиги** бўлиб хисобланади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бугунги кунда туризм соҳасига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқа

<sup>1</sup>Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.Ҳ.Пардаев, проф. Ш.Н.Мусаевлар ташрири остида.-Т.: «Иқтисод-молия», 2008, 55-б.

тармоқларга нисбатан юқори эмас. Илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда умумий инвестицияларнинг 5 фоизга яқини туризм соҳасига тўғри келади.

Туризм соҳадаги хизматлар ва сервис масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан М.Қ.Пардаев, Ғ.Ҳ.Қудратов, И.С.Тухлиев, М.Хошимов, Б.Абдукаримов, А.М. Абдувоҳидов, Р.Амридиноваларнинг **илмий изланишларида** тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи**, илмий тадқиқотни олиб боришда илғор тажрибалар, яхши кўрсаткичларга эришаётган туристик компаниялар маълумотларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, таҳлил ва кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, солиштириш, таққослаш ҳамда тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг **назарий ва амалий** аҳамияти, тижорат банклари томонидан туризм соҳасига хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредитнинг аҳамиятидаги назарий қарашлар умумлаштирилган ҳолда тадқиқот натижаларни туристиксервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кредитнинг роли ва унинг самарадорлигини таъминлашга доир амалий таклифлар бериш.

**Диссертация иши тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертация таркибий тузилиши: Кириш, учта боб, саккизта параграф, шунингдек, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати, иловалар, 12-та жадвал ва 3-та расмлардан 72-бетдан иборат.

## **I.бoб. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ.**

### **1.1.Туризм хизматлар бозорини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Туризмни ривожлантириш масаласи нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Туризм орқали биз дунёни таниймиз ва бизни ҳам дунё танийди. Шу туфайли ушбу соҳанинг ривожланишига мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта аҳамият бериб келинмоқда. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ҳам шакллантирилди ва у қонуний жихатдан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни биринчи марта 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган эди. Унга 1999 йилнинг 20 августида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрирдаги матни қабул қилинди. Қонуннинг 4-моддасида “Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” белгилаб берилган. Унга кўра, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ўн битта бандда келтирилган ва улар қуйидагилардан иборат:

- туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;
- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;
- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш;
- болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш;
- туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;
- туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш”<sup>1</sup>.

Туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг ҳар бир йўналиши чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилади. Чунки, илгари бутунлай эътибордан четда қолган соҳа шу қисқа вақт мобайнида кўрилган чора-тадбирлар туфайли оёққа турмоқда ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиш учун тегишли шароитлар яратилмоқда. Юқорида келтирилган бандлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин.

#### **1-расм. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Буларнинг ҳар бирини шарҳлайдиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

Биринчидан, туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг асосий негизини ташкил қилади. Бу борада мустақиллик йилларида бир қанча ишлар амалга оширилди. “Туризм тўғрисида”ги қонун ва кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Бу борада олдинги чиқишларимизда батафсил ёритилган<sup>2</sup>.


Иккинчидан, туризм соҳасидаги давлат сиёсати бевосита фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тадбирлардан иборатдир. Мазкур тадбирни таъминлаш борасида ҳам меъёрий ҳужжатлар ва уларга асосан тегишли шароитлар ҳам яратилди ва такомиллаштирилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. 1999 йилнинг 20 августида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири қабул қилинган. 4-модда: “Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”.

<sup>2</sup> Турсунов А.К., Мирзаев С. Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши ва унда хусусий туризмнинг ўрни. //Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. РИАК материаллари. (3-қисм) (2012 йил 17 февраль). Самарқанд. СамИСИ, 2012. Б. 54-59., Турсунов А.К. Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда туризм соҳаси-ни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асос-лари. //“Сервис” журнали.–Самарқанд, 2012., №1.- Б.51-58.

тадбирни таъминлаш борасида ҳам меъёрий ҳужжатлар ва уларга асосан тегишли шароитлар ҳам яратилди ва такомиллаштирилмоқда.

(1-расм).



“Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси бевосита туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган бўлиб, шу мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлаш;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ бериш, шунингдек белгиланган йўналишнинг

- туристларнинг саёхатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга ошириш;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш;
- автомобил, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоциклда, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шарт”<sup>3</sup>, деб белгиланган.

Туристтик саёхатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шаклларидадан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари шуғулланади. Мазкур субъектлар туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб, тегишли кидирув-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Маълумки, ҳозирги шароитда кидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган ва улар тегишли тартибда фаолият кўрсатмоқда.

Учинчидан, мамлакатимизда ўрнатилган давлат сиёсатининг бир йўналиши туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлашга қаратилган-дир. Туристтик ресурслартегишли ҳудуднинг табиий-иқлим, соғломлаштириш, тарихий-маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуидан иборатлигини инобатга оладиган бўлсак, улар бизга ота-боболаримиздан ме-рос бўлиб қолган. Биз ҳам уларни асраб-авайлаб авлодларимизга бус-бутун қолдиришга масъулмиз. Шу туфайли ушбу туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўлиқ сақлашни таъминлашимиз лозим.

Тўртинчидан, туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш ҳам давлат сиёсатининг бир йўналишидир. Бу борада бир қанча ишлар килинди ва улар муттасил равишда такомиллаштирилмоқда. Бу ҳақда юқорида айрим фикрларни келтирган эдик. Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Туризм тўғрисида”ги қонун билан бирга, ушбу соҳани ривожлантириш ва унда

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. 19-модда.

фаолият кўрсатишни тартибга солиш бўйича бир қанча меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди ва улар муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий муҳофазат тизимининг бир йўналиши сифатида болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратишга қаратилган тадбирлар ҳам бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда бир қанча болалар оромгоҳлари, қарияларга мўлжалланган санаториялар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда ва қисман аҳолининг маблағлари ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган.

Олтинчидан, давлат сиёсатининг яна бир йўналиши туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этишдан иборатдир. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда инвестицион муҳит яратилди. Ушбу соҳага давлат, хусусий, хорижий мамлакатлар ва тадбиркорлар маблағлари жалб қилиниши борасида тегишли шароит яратилган ва шунга асосан соҳа кескин ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Статистик маълумотларнинг далолат беришича 2012 йилда туризмнинг ЯИМдаги улуши 1,5 %га етказилиши кўзда тутилган.

Еттинчидан, давлат сиёсатининг яна бир йўналиши тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратишдан иборат. Мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити яратилди ва тадбиркорлар тўлиқ давлат ҳимоясига олинган. Бу бевосита туризм соҳасига ҳам дахлдордир. Бу бо-рада биргина 2012 йилда қабул қилинган Президентимиз фармонлари ва қарорларини келтириш мумкин<sup>4</sup>. Ушбу

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (“Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил. 20 июль), Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензия-ланалиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қискартириш чора-тадбирлари тўғ-рисида”ги қарори. (“Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил. 17 июль), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини таш-кил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (“Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил. 13 май), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 8 августда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабар қилиш тартиби тўғри-сидаги

қарорлар барча тадбиркорлар, шу жумладан туризм соҳасида фаолият кўрсатётган хусусий тадбиркорлар учун ҳам дахлдордир.

Саккизинчидан, давлат сиёсатининг яна бир йўналиши туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборатдир. Амалдаги қонунлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги ва уларнинг молмулклари ҳам давлат томонидан кафолатланади. Ҳозирги пайтда туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи бўлиб, асосан “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ҳисобланади. Мазкур ташкилот манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш туризм соҳасида фаолият юритувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар, мулк шаклидан қатъий назар, мажбурдирлар.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини ҳамда мол-мулкининг муҳофаза қилинишини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган. Улар минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ҳамда назоратини ташкил этадилар. Туристлик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

Тўққизинчидан, туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам бу борадаги давлат сиёсатининг таркибий қисмларидандир. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини, хусусан туризмнинг назарий ва методологик жиҳатларини тадқиқ қилишга кенг йўл очиб бериш мақсадида 08.00.05рақам билан “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти” ихтисослиги ташкил қилинди ва ушбу соҳа бўйича фан номзоди ва доктори илмий даражалари берилмоқда. Мазкур соҳанинг

долзарб муаммоларини тадқиқ қилишга қаратилган фундаментал тадқиқотларни олиб бориш учун давлат грантлари белгиланган ва ушбу йўналиш учун миллионлаб маблағлар ажратилмоқда.

Ўнинчидан, давлат сиёсатининг яна бир йўналиши – кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласидир. Ҳозирги пайтда “Туризм менежменти”, “Туризм маркетинги”, “Туризм операторлик хизматлари”, “Туристларга сервис хизматларини кўрсатиш ва туристларни овқатлантириш” каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди. Ушбу йўналишлар бўйича касб-хунар коллежлари билан бирга бир қанча олий ўқув юртлари ҳам кадрлар тайёрламоқдалар. Энг муҳими, ушбу соҳа бўйича олий малакали кадрларнинг (фан доктори) тайёрланаётганлигини ҳам алоҳида қайд қилиш лозимдир.

Мамлакатимизда туризм ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилишига, унинг ҳуқуқий асоси шакллантирилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 144-сонли Қарорини асос бўлди. Ҳар қандай ишни самарали амалга ошириш учун биринчи галда муносиб кадрлар тайёрлаш лозимлигидан келиб чиқиб, ушбу вазифа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига юклатилди.

Институтни такомиллаштириш борасида катта ташкилий ишлар олиб борилди ва маълум тажриба тўплангач, уни янада ривожлантириш зарурати пайдо бўлди. Шундан кейин, олиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 29 июлда “Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 173-сонли буйруғи эълон қилинди. Мазкур буйруқка асосан институтнинг истиқболи белгиланди ва бу олийгоҳ туризм ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган ягона институтга айлантирилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун тегишли кадрлар тайёрлашни таъминлаш мақсадида 2006 йил 17 апрелда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бу чора-тадбирлар мамлакатимиз ва унинг ҳар бир ҳудуди бўйича сервисни ривожланиш дастурида ўз аксини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналиш бўйича қабул қилган қарори ҳам туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг аниқ йўлларини кўрсатиб берди. Унинг ижросини таъминлаш учун барча вилоятлар сингари Самарқанд вилоятида ҳам “Вилоятда халқаро ва ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Самарқанд вилоят ҳокимининг 2006 йил 16 декабрда 182-К қарори қабул қилинди. Чунки туризмни ривожлантириш вилоятимизда алоҳида ўринга эга.

Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор ижросининг мамлакат бўйича бир йиллик таҳлили кўрсатдики, ҳали бу соҳани ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд экан. Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йилнинг 23 майида “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Мазкур қарор бўйича мамлакатимиз ва унинг ҳар бир ҳудудида сервисни ривожлантиришнинг такомиллаштирилган тадбирлари ишлаб чиқилди. Бунга асосан Самарқанд вилоятида ҳам вилоят ҳокимининг шу қарорни бажариш бўйича 88-К-сонли қарори эълон қилинди. Буларнинг ҳаммаси давлатимизнинг туризмни

ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатини изчил амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлардан далолатдир.

Ўн биринчидан, туризм соҳасида чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Бу борада жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили жуда кўп марта турли халқаро ярмаркалар ўтказилиб келинмоқда ва буларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туристик ташкилотларнинг ва хусусий фирмаларнинг вакиллари иштирок этиши таъминланмоқда. Булардан ташқари анъанавий тарзда мамлакатимизда ҳам ҳар йили ушбу соҳани реклама қилишга қаратилган халқаро кўргазмалар ташкил қилинмоқдаки, унда 40-50дан зиёд мамлакатларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Булардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда нафақат ички, балки ташқи туризмни ҳам ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Шунинг эвазига мамлакатимизда мазкур соҳанинг ЯИМдаги ҳиссаси ошиб, у иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланмоқда.

Қуйидаги 1-жадвалдан кўриниб турибдики, туризм хизматлари бозорини ривожлантиришда давлат ўз зиммасига жуда катта мажбуриятларни олган. Бундай мажбурият ва масъулият туризмни ривожлантириш борасидаги сиёсатини юритиш орқали амалга оширилади.

## Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида хизматлар кўрсатишнинг ўрни.

Хизматлар жами	млрд. сум	40951,5	115,2	51121,1	113,1	65524,2	114,6
ЯИЧда %*)	%	50,5	х	52,0	х	53,0	х
Шу жумладан:							
Алоқа ва информатика	млрд. сум	2616,5	137,8	3059,5	123,8	3567,6	121,4
Компьютер ва программалаштириш	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	91,8	121,3	155,2	134,2
Молиявий хизматлар	млрд. сум	3400,7	117,8	4274,7	115,2	5529,3	129,4
Транспорт хизматлари (логистическа)	млрд. сум	12068,7	108,8	14593,9	108,0	18231,4	106,4
Қурилиш хизматлари	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	2354,2	127,0	3163,8	134,3
Технологик жихозларни тамирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	321,2	108,3	345,5	121,7
Қишлоқ хўжалик техникаларини тамирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	64,2	140,8	81,8	128,7
Туристик хизматлар (меҳмонхона хизматлари)	млрд. сум	63,3 <sup>4)</sup>	127,2 <sup>4)</sup>	236,9	118,3	313,0	117,2
Умумий овокatlаниш ва савдо	млрд. сум	8716,0	119,9	11313,8	115,3	14665,6	117,0
Маиший хизматлар	млрд. сум	543,0	121,7	1100,3	124,0	2269,7	124,7
Таълим хизматлари	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	1382,9	106,4	1802,4	106,0
Медицина хизматлари	млрд. сум	- <sup>3)</sup>	- <sup>3)</sup>	483,7	135,1	650,9	130,3
Қишлоқ хўжалигига хизматлар	млрд. сум	- <sup>5)</sup>	- <sup>5)</sup>	- <sup>5)</sup>	- <sup>5)</sup>	419,5	106,5
Бошқа хизматлар	млрд. сум	8273,0	120,4	11844,0	109,9	14328,5	110,1

## 1.2. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда<sup>5</sup>:

- республика иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлмиш туризмни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш;
- туризм соҳасида бир қанча қулайликларни таъминлаш;
- туризм соҳасида ҳуқуқий ва норматив базалар яратиш;
- туризмда рақобатни такомиллаштириш;
- кенг қамровдаги туризм потенциалини яратиш ва тарғибот ишларини олиб боришдан иборат.

Туризм корхоналарини қонуний акциялаштириш амалга оширилди. Мисол тариқасида “Ўзбектуризм” миллий-компаниясининг бир қатор объектларини хусусийлаштиришни олишимиз мумкин.

Юқорида қайд қилинганидек, давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - туризм фаолиятини амалга ошириш ва рақобатни кучайтиришга қаратилган. Шу тўғрисида, туризм иқтисодиётида хусусий тармоқни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди.

Республика ҳукумати туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирмоқда. Бундан ташқари, туризм саноатида хорижий инвестициялар учун барча қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига биноан хорижий инвесторларга бир қанча қулайликлар берилган. Уларга қуйидагилар киради:

1. Давлат аҳамиятига эга инвестициялар ҳукумат томонидан қафолатланади. Таъкидлаш лозимки, бу туризм соҳасининг барча тармоқларида тадбиркорликни иқтисодий барқарорлаш-тиришнинг бақувват дастаги ҳисобланади.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси" ва унда туризм соҳасига оид имтиёзлар. Халқ сўзи // 1997-йил 24-апрель

2. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ҳудудида янгидан ташкил топган туризм корхоналари биринчи фойдани олгунча барча солиқлардан озод қилинади. Фискал имтиёздан ташқари, туризм бизнесини ривожлантириш учун молиявий рағбатлантириш ставкали имтиёзли кредитлар бериш, янги туризм объектларини қўриш учун ссудалар бериш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, давлатнинг асосий капитал қўйилмалари туризм соҳаси ривожининг заҳираси ҳисобланади. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш жараёнида “Ўзбектуризм” миллий компанияси 100 дан ортиқ туризм объектларини таъмирлади ва замонавий кўринишга келтирди. Ушбу объектлар сақлаш за хорижий сайёҳларга кўрсатиш учун ҳокимиятларга ижарага берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатда туризм инфратузилишини ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг №210-сонли “Халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида” ги қарорига биноан “Ўзбектуризм” миллий компанияси транспорт, соғлиқни сақлаш ва қурилиш тармоқ вазирликлари билан биргаликда мамлакатда янги туризм тармоғини ривожлантириш сервис хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг транспорт алоқалари инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида №450 (19.12.96 йил) “Ўзбекистон Республикаси магистрал йўлларида 2013 йилгача бўлган даврда автосервис инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида” қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга биноан Бухоро, Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида 100 млн. сўм миқдордаги автосервис комплекслари қурилиши амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 40 (21.02.97 йил) “Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил учун инвестицион дастур тўғрисида” ги қарорига биноан туризм соҳасида янги объектлар қўриш режалаштирилди. Булар, биринчидан, “Буюк”, “Бизнес-марказ” ва

республика вилоятларида янги меҳмонхоналар қуриш; иккинчидан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэровокзалларини таъмирлаш; учинчидан, Тошкент – Самарқанд - Бухоро автойўлларида янги сервис марказларини қуриш; тўртинчидан, “Ўзбектуризм” миллий компанияси кўпгина объектларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига таъмирлаш давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати раҳбарлигида “Ўзбектуризм” миллий компанияси Бутун жаҳон туризм ташкилоти билан биргаликда ва БМТ ривожланиш дастури кўмагида “Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш” миллий проектини ишлаш учун халқаро экспертлар гуруҳини тuzди. Ушбу гуруҳга Майкл Жозеф Мак Налти бошчилигида Ўзбекистон, Буюк Британия, Ирландия, АҚШ ва Ҳиндистонлик юқори малакали мутахассислар кирди. Лойиҳанинг асосий мақсади - мамлакатга кўп миқдорда хорижий сайёҳларни жалб қилиш, туризм тадбиркорлигини даромадли тармоқлардан бирига айлантириш, мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, рақобатбардош ва кучли туризм соҳаси билан жаҳон бозорига чиқишдан иборат. Хорижий экспертларнинг баҳолашича, Ўзбекистонда туризмнинг йиллик ўсиши 7 % ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, туризм соҳасида давлат сиёсатини асосий йўналиши туризмни республика иқтисодиётининг даромадли тармоғига айлантириш, туризм соҳасида ҳуқуқий ва норматив базасини шакллантириш учун қулай шароит яратишга қаратилган. Ўзбекистон раҳбарияти туризм фаолиятини амалга ошириш, рақобатни такомиллаштириш учун барча қулайлик ва имкониятларни яратмоқда. Давлат сиёсати туризм соҳасини ривожлантириш учун диққат-эътибори сервис хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, замонавий туризмни яратиш, кенг камровдаги туризм потенциалини яратиш ва тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган.

Самарқанд – Ўзбекистоннинг энг катта вилоят марказларидан бири ҳисобланади. Самарқанд орқали катта Тошкент-Термез автомобиль тракти ўтади. 2011 йилда шаҳар аҳолиси 523 минг нафарни ташкил қиларди. Шаҳар

майдони 15 мингга. У Зарафшон дарёсининг водийсида жойлашган, унинг ўрта окимида, шимоли-ғарбда 660 м дан жануби-шарқда 750 м гача мутлок баландликларда жойлашган. Шаҳар чегараси шарқдан Тайлоқ турар жойи, шимолдан-Дахбет, ғарбда-Чархин ва жанубда-Самарканд туманининг Гулобод туман марказидан ўтади.

2-Жадвал

### Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик туристлар

Йиллар	Туристлар минг киши	Утган йилга нисбатан ўсиш, %
2011	272.0	7.6
2012	274.0	0.7
2013	306.0	11.9
2014	326	10.3
2015	330	12.4

Манба: “Ўзбектуризм” МК. 2015й.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики жорий йилда тақослама йилга кўра туристлар сони 58 минг кишига кўпайган бўлиб бу кўрсаткич 4,8%га кўпайган.

3-Жадвал

### Ўзбекистон туризмнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Йиллар	Жами хизмат, млн сум	Фойда, млн сум.	Туристлар, минг киши		Турхизматлар экспорти, Млн. доллар
			Жами	Шундан хорижий туристлар	
2011	4814	622	752	274	25.5
2012	4990	661	864	306	25.8
2013	5343	703	916	329	27.5

Манба: “Ўзбектуризм” МК.

Ўзбекистон туризмнинг иқтисодий кўрсаткичлари маълумотларидан кўриниб турибдики жорий йилда турист сонини 164 минг кишига

кўпайганлиги шундан хорижий туристларнинг 55 минг кишига ошганлиги ҳисобига хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиши натижасида фойда олиш ҳажми ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатади.

4-Жадвал

**Ўзбекистоннинг халқаро туризмдан олаётган валюта тушуми**

Йиллар	Валюта тушуми (минг \$ ҳис)	Ўртача 1 туристга тўғри келадиган валюта, долл
2010	18.835	74.5
2011	20.980	77.1
2012	25.255	93.2
2013	26.370	102.3
2014	28.485	132.9
2015	32.390	145.2

Манба: “Ўзбектуризм” МК. 2015 й.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики жорий йилда тақослама йилга нисбаттан валюта тушумлари 13.555 минг долларга ошган бўлиб бу бир туристга ўртача 145.2 доллага етганлигини кўрсатади.

5-Жадвал

**Хорижлик туристларнинг сегментлар бўйича кўрсаткичлари**

(минг.киши)

№	Кўрсаткичлар	2010 й	2014 й	2015 й. прогноз
1	2	3	4	5
1	Дипломатлар	31.1	60.3	80.0
2	Бизнесменлар	41.4	90.2	150.0
3	Вакиллар	7.1	20.7	30.0
4	қариндош-уруғлар	6.3	10.9	20.0
5	Илмий ишлар билан	15.3	20.4	30.0

1	2	3	4	5
6	Ўқишга	14.3	30.5	60.0
7	Бошқалар	17.2	60.3	90.0
8	Жами хорижлик туристлар.	150.4	306.0	1000.0

Манба: “Ўзбектуризм” МК 2015 й.

Хорижлик туристларнинг сегментлар бўйича кўрсаткичларини тахлил қилганимиздан кўришиб турибдики энг кўп бизнес вакиллари ва дипломатлар сони кўплиги ва уларнинг йилдан йилга сонининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

6-Жадвал

### Самарқандга ташриф буюрган туристлар ва хорижга чиқиш (киши ҳисобида)

Йиллар	Хорижлик туристлар	Хорижга чиқиш	Жами
2014	70691	44409	115100
2015	71450	21180	92630

Манба: “Ўзбектуризм” МК ҳисоботи

Самарқандга ташриф буюрган туристлар ва хорижга чиқаётган туристлар сонини тахлил этганимиз шуни кўрсатадики йилдан йилга хорижлик туристларнинг кўпайиб бораётганлиги соҳанинг янада ривожлантириш микониятлари ошиб бораётганлиги ва бу борада хали амалга оширишимиз мумкин бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

### 1.3.Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишинингистикболлари.

Юқоридагиларни бошқа давлатларда ҳам кузатиш мумкин, аммо фақат Ўзбекистонга хос бўлган томонлар ҳам мавжуд. Республикамиз эга бўлган кучли томонлар Ўзбекистоннинг янги турмаҳсулот билан жаҳон

бозорига тезроқ чиқишига ёрдам бериши мумкин. Фақат Ўзбекистонга хос бўлган кучли томонларни махсус кучли томонлар деб белгиладик. Қўшни давлатларда йўқ бўлган махсус кучли томонларга қуйидагиларни қўшдик:

- Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё йўллари чорраҳасидаги стратегик қулай ўрни;

- яхши халқаро ҳаво алоқаси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК хизмат кўрсатишининг нисбатан юқори даражаси;

- Бухоро, Самарқанд, Хивадаги яхши сақланган архитектура ёдгорликлари бу шаҳарларнинг дунёдаги энг муҳим тарихий-маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилиши;

- Бухоро ва Самарқанднинг хорижий мамлакатларда машҳурлиги;

- Ўзбекистон, Саудия Арабистони, Исроил ва Россиянинг кўплаб фуқароларининг тарихий ватани ҳисобланиши;

- бу ерда муҳим буддизм ва исломнинг муқаддас жойлари сақланиб қолганлиги.

Тахмин қилинадик, юқоридагиларни ривожланишига етарли эътибор қилинса, Ўзбекистон туризм саноатида тез ўсишга эришиши мумкин. Аммо махсус ва кучли томонлардан ташқари "Ўзбектуризм" МК ва умуман соҳа ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи томонлар ҳам мавжуд Туризм ривожланишининг салбий томонларини уч катеҗорияга бўлдик.

Идрок қилишнинг мавжуд эмаслиги - бу камчилик, Ўзбекистоннинг жаҳонда кам маълумлиги ва демак бу объект ҳақида билимлар камлигига боғлиқ Идрокнинг камлиги Ўзбекистонга келган хорижий турисларда салбий таасурот қолдиради. Идрок камчиликларига қуйидагиларни киритдик<sup>6</sup>.

- собиқ иттифоқдан қолган бинолар, шаҳар ва қишлоқлар жуда зерикарли кўринади;

- меҳмонхоналарда хизмат даражасининг пастлиги ва керакли инфраструктуранинг йўқлиги;

---

<sup>6</sup>Файзиева Ш. Р. "Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш" Тошкент, 2015 й

- жамоатчилик овқатланиш нукталарида овқатнинг яхши эмаслиги. Структуравий кучсиз томонлар - бу камчиликлар республика ҳукумати сиёсати туризмга яхши муносабатда бўлганда ҳал қилиш мумкин бўлган камчиликлардир.

- виза расмийчилиги оғирдир ва туристик объектларга эркин боришга халақит беради;

- меҳмонхонада яшаш ва транспорт хизматларининг қимматлиги.

Атроф-муҳитни энг катта камчилик деб ҳисоблаш мумкин. Хорижий экспертларнинг фикрича, атроф-муҳит Ўзбекистонда туризмни бозор моделини нормал ривожлантиришга асосий тўсиқ ҳисобланади. Атроф-муҳит-тушунчасига қуйидагиларни киритдик:

- қўшни Афғонистондаги сиёсий беқарорлик;

- Оролбўйи минтақаларидаги экологик муаммолар.

Кўриб турибмизки, “Ўзбектуризм” МҚси стратегияси кучли ва заиф томонларга эга. Ўзбекистонда туризм келажагига шубҳасиз таъсир этувчи кучли томонларга фирманинг халқаро муҳити ҳам киради 1993 йил кўзида “Ўзбектуризм” БТТга қабул қилинди ва шу пайтдан бошлаб халқаро “Буюк ипак йўли” лойиҳасининг координация маркази бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилмоқда. Бир йилдан кейинроқ Тошкентда “Ўзбектуризм” БМТ ва ЮНЕСКО раҳбарлиги остида БТТнинг “Ипак йўли” халқаро семинарини ўтказди. Ушбу лойиҳа БТТ ва ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган. Натижада, 1996 йилга келиб дунёда янги турмаҳсулот – “Буюк ипак йўли” пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ташкилотлар “Ўзбектуризм” тизимига кирувчи хусусий фирма ва компаниялар ушбу лойиҳани жаҳон туризм бозорида сотмоқдалар. Ўзбекистоннинг туристик ташкилотлари “Ўзбектуризм” раҳбарлигида Лондон, Берлин, Милан, ва энди Тошкентда ҳар йили ўтказиладиган Халқаро туристик ярмаркаларда фаол катнашмоқдалар. Ўзбекистоннинг туристик фирмалари хорижий ҳамкорлар билан кўплаб шартномалар имзоладилар. Агар хориждаги туристик ярмаркаларда Ўзбекистонни намоён қилиш имконига фақат йирик

турфирмалар эга бўлсалар, Тошкент ярмаркасида 100дан ортиқ фирма қатнашди. Ўзбекистоннинг хусусий туристик фирмалари хориждан келган 60дан ортиқ фирмалар билан шартнома тузиш имкониятига эга бўлдилар. Ярмаркалар Ўзбекистоннинг турфирмалар учун ўзига хос мактаб бўлмоқда. “Ипак йўли” турмахсулоти Европа ва Осиё бозорларига чиқарилган. 1996 йилдан бошлаб бу махсулот Америкаликларга ҳам таклиф қилина бошланди. Ўзбекистон учун “Ипак йўли бўйлаб туризм” лойиҳаси республикада халқаро туризмнинг ривожланиш стратегияси ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг БТТ Европа комиссиясидаги вакили бўлган “Ўзбектуризм” биринчи навбатда Европа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Президентимизнинг хорижга сафарлари вақтида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси имзоучун ҳукуматлараро шартномалар тайёрлайди. Бу ташрифлар чоғида кўплаб йирик хорижий фирмалар билан ҳамкорлик ҳақидаги шартномалар имзоланган.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси делегацияси БТТ ва ЮНЕСКО томонидан ўтказиладиган барча халқаро учрашувларда фаол иштирок этмоқда. Натижада республикамизнинг рейтинги ошиб, муносиб ҳамкор имижига ҳосил бўлмоқда. Турли мамлакатларда бизнес-семинарларда иштирок этаётган “Ўзбектуризм” Миллий компанияси нафақат Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ва имкониятларини очмоқда, балки Ўзбекистоннинг туризм саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун кўп ҳаракат қилмоқда. Масалан АҚШ, Германия, Малайзия, Исроил, Туркия, БАА, Миср, Словакиянинг турфирмалари билан ҳамкорлик ушбу давлатлардан келаётган туристлар сонини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Республиканинг халқаро туризм бозорига чиқишида “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг АҚШ, Германия, Буюк Британия, БАА, Хиндистон, Япония ва Россиядаги расмий ваколатхоналарининг ўрни бекиёсдир. Ваколатхоналар Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини реклама қиладилар, турли Халқаро семинарларда иштирок этадилар ва уларда “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг вакили бўладилар вазифасини ўқиб

мамлакатимизга туристлар келишини кўпайишига ёрдам бермоқдалар.

Кембридж шаҳрида Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилган кўرғазмани алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу кўрғазма “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Буюк Британиядаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган ва журналистлар, олимлар ва Буюк Британияда аккредитация қилинган хорижий элчихоналар хизматчиларида катта қизиқиш ўйотди. 2013 йилнинг октябрида бўлиб ўтган БТТ Бош Ассамблеясининг 12-сессиясида Ўзбекистон БТТнинг Ижроия Кенгаши таркибига киритилди. Бу яна бир бор “Ўзбектуризм” Миллий компанияси раҳбариятининг жаҳон бозорига чиқиш стратегиясини амалга ошириш бўйича унумдор меҳнат кетаётганларини таъкидлайди Ўзбекистон БТТ Ижроия Кенгашига жаҳон туризмнинг илғорлари Франция ва Италия билан бирга сайланди. Сессия иши мобайнида “Буюк Ипак йўли” дастурига алоҳида вақт ажратилиб, махсус мажлис ўтказилди.

Мажлисда “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг самарали фаолияти алоҳида таъкидланди ва унда “Буюк Ипак йўли” журналининг тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу журнал Ипак йўлида жойлашган 16 давлат олимлари томонидан тайёрланган. Мажлисда ипак йўлида жойлашган давлатларнинг маданияти, тарихи ва туризмнинг ҳозирги аҳволини намойиш қиладиган кўп серияли фильм яратиш ҳақида қарор қабул қилинди.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси республика туристик салоҳиятини намойиш қилиш учун катта реклама компаниясини амалга оширмоқда. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси доимий равишда Республика туристик марказлари ҳақида ҳикоя қилувчи реклама журналлари чоп этмоқда. Бундан ташқари “Ўзбектуризм” Миллий компанияси “Ипак йўли” газетасининг учинчи сонини чиқарди. Бара рекламалар инглиз ва немис тилларида бўлиб халқаро ярмарка ва кўрғазмаларда тарқатилади.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси илмий-туристик гуруҳларга мўлжалланган, Ўзбекистон тарихини намойиш қилувчи ахборот тўплами

чун материаллар йиғишда давом этмоқда. Тўплам Ўзбекистон худудида  
қилинган янги туризм объектлари - ғоялардаги ёзувларга бағишланади ва  
инглиз тилида чоп этилади. Бундан, ташқари инглиз, немис, француз  
тилларида Ўзбекистонда туризм журнали чоп этишга тайёрланяпти.  
Ўзбекистонда диний объектлар мавжудлигини ҳисобга олиб инглиз ва араб  
тилларида брошюра чоп қилишга тайёрланяпти. Шунингдек, "Ипак йўли"  
журналининг тўртинчи сони ҳам тайёрланяпти. "Ўзбектуризм" Миллий  
компаниясининг хориждаги ваколатхоналарининг хорижлик журналистлар  
билан ҳамкорлиги натижасида BBC ва Chanel - 4 радиоларида  
Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи ва қадимий шаҳарларининг туристик  
қадриятлари ҳақидаги доимий эшиттиришлар бериб борилиши ҳақида келишиб  
қилинди. *Доимий равишда жаҳоннинг илғор газета ва журналларида (Herald  
Times, Times, Travel Weekly, New Marketes) мақолалар босилмоқда.*

Илмий асосланган туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқиш  
даврида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси БМТ ва БТТ билан  
ҳамкорликда "Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиши" ҳаракат  
рамконини ишлаб чиқди.

Ушбу босқичда "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва БМТ ўртасида  
қилинган дастурни амалга ошириш бўйича янги халқаро экспертлар  
билан ташкил қилиш ҳақида музокаралар олиб борилмоқда. 1995 йилдан  
қилиб "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ўзларининг мутахассисларини  
қўллаш ва ошириш учун Ҳиндистон, Миср ва Исроилга юбормоқда. Рейтингни  
ошириш ва қулай мамлакат имижини ҳосил қилиш учун "Ўзбектуризм"  
Миллий компанияси соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича  
қарор олиб бормоқчи. Туристлар оқимини кўпайтириш учун Англия,  
Германия, Италия, Испания, Голландия ўтказилаётган халқаро семинар ва  
конференцияларда иштирок этишда давом этиш керак. "Ўзбектуризм" Миллий  
компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа давлатларга  
қилинган бериши чоғида имзоланиши керак бўлган ҳукуматлараро келишувларни  
қилиб чиқади ва тайёрлайди. Кейинчалик миллий туристик фирмаларга

хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилишга кўпроқ имконият бериш керак. Жаҳонда машҳур йирик компанияларнинг ваколатхона ва филиалларини очиш керак. Шунингдек ўзбек фирмалари асосида кўшма корхоналар тузиш керак. Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ваколатхоналар тизимини кенгайтириш керак. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг “Буюк Ипак йўли” туристик маҳсулоти билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиб Ипак йўли давлатлари бўйлаб ҳамкорликдаги туристик йўналишлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Республика туристик шаҳарлари орқали транзит халқаро йўналишлар ташкил қилиш керак. Ҳозирги кунда саёҳатларнинг хавфсизлиги биринчи ўринга чиқар экан суғурта хизматларига талаб пайдо бўлмоқда. Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлар билан бирга миллий туризмни ривожлантириш, туристларни суғурта қилишнинг хорижий тизимларини ёйиш, туристлар соғлиғини сақлаш ва туристларга хизмат кўрсатувчимасканлар учун санитария нормалари белгиланиши бўйича профилактика чоралари қурилиши керак. Туристлар сонини ошириш учун виза бериш жараёнини қайта кўриб чиқилса яхши бўларди.

Ўзбекистонда асосий шаҳарлар - Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғонада эркин иқтисодий туризм ҳудудлари ташкил қилиш жуда истиқболли бўларди. Хорижлик туристлар бу шаҳарларда таклифсиз, бож тўловсиз бир hafta мобайнида бу шаҳарларда бўлиш имкониятига эга бўларди. “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг халқаро туризмдаги ютуқларидан бири Тошкент туризм ярмаркасидир. Маълумки 1995 йилнинг сентябридан бошлаб ҳар йили “Ипак йўли бўйлаб туризм” Тошкент туризм ярмаркаси ўтказилади. Бу ярмаркада кўплаб машҳур туристик фирмалар иштирок этмоқдалар. 2014 йилда бу ярмарка тўртинчи бор ўтказилди. Унда 200 га яқин туристик фирма ва компаниялар иштирок этишди. 2013 йилда ярмаркада жаҳоннинг 35 мамлакати, шу жумладан халқаро туризмда илғор бўлган Франция, Италия, Греция, Кипр, Испания, Буюк Британия, Германия, А+Ш, Миср, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия,

Хитой фирмалари иштирок этдилар ва бу Тошкент ярмаркаси халқаро туристик форумлар орасида муносиб жой эгаллаганидан далолат беради. Барча ваколатхоналарга реклама-ахборот материаллари тарқатилди. Туркия ва Исроилда ваколатхоналар очишга тайёрланилмоқда. Бу халқаро туризмни янада ривожлантириш ва ушбу давлатлардан келадиган туристлар сонини кўпайтиришга ёрдам беради.

## **II.боб. АТБ “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИДА СОҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ.**

### **2.1. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг соҳаларни кредитлаш фаолияти.**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бир маромдаги фаолиятини таъминлаш мақсадида, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан республикага илғор технологияларни жалб қилиш, корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар асосида модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатилаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган истикболли лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағларни самарали йўналтириш борасида доимий равишда иш олиб борилди. Ҳисобот йилида аввало, капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун узоқ муддатли кредитлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш йўли билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига молиявий кўмак бериш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.




Кўрсаткичлар.	01.01.2013 й.	01.01.2014 й.
Умумий активлар, млн.сўм (соф)	1 999 056	3 531 145
Ўз капитали, млн.сўм	183 337	224 949
Ссуда ва лизинг, млн.сўм (соф)	1 389 636	2 255 466
Капиталнинг етарлилик коэффициенти	0,112	0,117
Жорий ликвидлик коэффициенти	0,538	0,521

7 - жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки 2014 йил 1 январь ҳолатига банк кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 168,4 млрд.сўмга ёки 13,4%га ўсиб, 1422,7 млрд.сўмга етди.

2-расм

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» тармоқлар бўйича йўналтирилган кредитлар салмоғи кўрсаткичлари.

#### Иқтисодиётнинг реал секторига кредит сармоялари




1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки кредит сармоялари тўлик равишда иқтисодиётнинг реал секторига, жумладан 661,9 млрд.сўми –

саноатга, 278,0 млрд.сўми - қурилишга, 187,8 млрд.сўми - транспортга, 122,5 млрд.сўми - савдога, 41,9 млрд.сўми - қишлоқ хўжалигига, 9,6 млрд.сўми - аҳолига маиший хизмат кўрсатишга, 6,6 млрд.сўми – турар жой - коммунал хизматларига, 2,9 млрд.сўми - моддий-техника таъминотига, 1,6 млрд.сўми тайёрлов ташкилотларига ва 110,7 млрд.сўми - бошқа тармоқларга йўналтирилган.

3-расм

### Кредит қўйилмаларининг асосий салмоғи

Кредит портфели тузулмаси (%)



2-расм маълумотлари шуни курсатиб турибдики кредит қўйилмаларининг асосий салмоғи, яъни 80%и ёки 1138,1 млрд.сўми узоқ муддатли кредитлардан, жумладан 26,3 млрд.сўми лизингдан иборат бўлса, қисқа муддатли кредитлар улуши 20% ёки 285,7 млрд.сўмни, шундан факторинг хизматлари 19,4 млрд.сўмни ташкил қилди.

## 2.2. Туризм соҳасида кадрларини тайёрлашда банк кредитларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалда ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2011 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов контраки асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 318-сонли Қарорига мувофиқ жойларда тегишли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари Дастури”нинг 4-бандида Олий таълим муассасалари талабаларига банклар томонидан таълим кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш;

1-ишчи груҳини шакллантириш, талабаларга таълим кредитлари бериш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2-таълим кредитига эҳтиёжи бўлган талабаларни рўйхатини шакллантириш,

3-таълим кредитлари учун тегишли ресурслар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис ушбу диссертация ишимда ОАТБ “Ипак Йўли” “Умар” минтакавий филиали томонида амалга оширилаётган ишлар ва шу борада Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари томонидан таълим кредитларидан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг республика олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришни 2011/2012 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинганли, таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун олий ўқув юртларига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилиши мумкинлиги этироф этиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш ва уларни

қайтариш тартибини Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги (2011 йил 26 июлдаги 318-сонли) низомда белгиланган. Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига, берилиши мумкин. Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

- чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);
- талабаларнинг қолган тоифаларига — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

Қам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва

ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан, иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредитлари учун фойзаларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

ОАТБ “Ипак Йўли” “Умар” минтақавий филиали томонидан 2014 йилгача жами бўлиб 24 та, 56477 мин сўм таълим кредитлари берилган бўлса, 2014 йил бошидан 13 та, 32810 минг сўм таълим кредити берилган. Низомга мувофиқ имтиёзли кредитлар, яъний Чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланувчиларга, болалиқдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари бўлган талабаларга ва кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга банк томонидан кредитлар берилмаган.

Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади, банк томонидан 2014 йилда берилган таълим кредитларнинг 5-таси Самарқанд шаҳрида шунинг 2-таси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабасига берилган, 3-таси Қўшробот туманида, 1-тадан Жомбой, Оқ-дарё, Пастдарғом ва Пайариқ туманида истикомат қилувчи талабалар томонидан олинган.

Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари томонидан таълим кредитларидан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бормоқда, жумладан 2011/2012 ўқув йилларида 50 нафар талаба таълим

кредитларидан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич 2012/2013 ўқув йилида 95 нафарни ташкил этган ва бу 2013/2014 ўқув йилида 150 тага етган.

Бу маълумоталарни мутахассисликлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак аксарият кредитлардан фойдаланувчилар туризм ва хизмат кўрсатиш мутахассисликлари талабаларига тўғри келади, яъни бу кўрсаткич 45% ташкил этмоқда.

Таълим кредитидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифлар:

- Институтда таълим кредитдан фойдаланиш имкониятларини талабаларгаётказиб туришни кучайтириш;
- Кредитни расмийлаштириш жараёнларини қисқартириш;
- Таълим муассаларида талабалар томонидан таълим кредитлардан фойдаланилаётганлар маълумотларини базасини яратиш.

### **2.3. Туризмни инвестициялаш ва банк кредитларидан фойдаланиш.**

Сўнги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётидаги тез ривожланиб келаётган тармоқлардан бўлиб бормоқда. Бу соҳа нефть қазиб чиқариш ва автомобилсозликдан сўнг йирик уқликка кирадиган катта даромад келтирувчи тармоқ ҳисобланади. Бугунги кунда туризм ва унга бевосита ҳамда билвосита хизмат кўрсатувчи соҳаларда жаҳон меҳнат ресурсларининг қарийб 60% қисми фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

2014-йилда инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 15 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2013-йилга нисбатан 12,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.”<sup>7</sup>

Туризм соҳаси хизматлар кўрсатишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикаимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан: 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ва бир қанча қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 9-бандида Туристик фаолиятни молиялаштириш манбалари қуйидагилар этиб белгиланган:

- Туристик субъектларнинг шахсий манбалари;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари;
- Қарз мажбуриятлар (облигациялар ва бошқа қарзлар, банк ва бошқа кредитлар);
- Хорижий инвестициялар;
- Қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Туризмни ривожланишининг асосий манбаларидан бири молиявий маблағларга боғлиқ. Жаҳон тажрибасида туризм индустриясини ривожлантиришда давлат томонидан йўналтирилаётган инвестицияларнинг 30%ни ташкил этади. Асосан давлат маблағлари халқаро хаво йўлларини ривожлантириш ва уни модернизациялаш, темир йўллар, автомобил йўлларини қуриш ва уни реконструкция қилиш, магистрал иншоотлар қуриш, энергия таъминоти, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш, солиқ тушумлари, тарихий обидаларни асраш ва таъмирлаш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ички, ташқи хав-хатарларни олдини олишга қаратилади. Мисол учун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси


---

7. И.А.Каримов 2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш. Ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади. 2014 йил феврал

Президентининг 2010 йил 5 январдаги “Тошкент – Самарқанд темир йўл линияси участкасида юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида Испания ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик самарасида юртимизга келтирилган биринчи тезюлар “Afrosiyob” электропоезди ўз катновини бошлади.

Туризм соҳасига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши натижасида сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми ошади, сифати эса яхшиланади. Туристтик индустриясининг халқаро талаблар даражасида ривожланиши мамлакатимизга хорижий сайёҳлар оқимининг кўпайишига имконият беради. Республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган чоратadbирлар белгиланган ва амалга оширилиб келинмоқда. Буларга туристик меҳмонхоналарни бошқаришни хорижий компанияларга ўтказиш, туризм соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан кўплаб туристик мажмуалар, шу жумладан Тошкент шаҳридаги «Интер-континентал», Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб-Палас», Бухоро шаҳридаги «Бухоро» меҳмонхоналари, хорижий менежерлар ихтиёрига ўтказилган. Қолган жихатлар эса юридик ва шахсларнинг ташаббускорлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирда республикамизда 865та туристик ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Фаолияти асосан чет эллик сайёҳларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган 520га яқин туристик компания муваффақиятли ишлаб турибди. 2014 йилда саёҳатчилар сонининг ўсиши 2013 йилга нисбатан 20,5 фоизга, чет эллик туристларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар эса 18 фоизга ўсган. Бугунга келиб мамлакатимизда меҳмонхона хўжалиги янада таракқий этмоқда. Хусусан, 500 дан ортик турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва жойлаштириш объектлари фаолият кўрсатаёпти. Кейинги 6 йилда 350дан ортик ўрта ва кичик хусусий меҳмонхоналар ишга тушган.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар тузилмасининг тармоқлар бўйича  
фоиз кўрсаткичлари

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хизматлар тузилмасида сайёҳлик хизматлари атиги 0,7%ни ташкил этмоқда, бу жуда паст кўрсаткич бўлиб соҳани ривожлантиришда катта имкониятлар мавжудлигини англатади.

Туризм соҳани янада ривожлантириш учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда микрокредитлар асосан банк, молия институтлар орқали амалга оширадилар. Бундай институтлар, лизинг компаниялари, ўзаро кредитлаш жамиятлари, қарз-жамғариш уюшмалари ва бошқа молиявий бирлашмалар бўлиши мумкин. Уларнинг асосий вазифаси яқка тадбиркорликни ва кичик бизнесни микромолиялаш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат.

Молиявий маблағлар ички ва ташқий манбалар ҳисобидан шаклланади. Ички манбалар туризмнинг ўз фаолияти орқали, олинган фойдадан, ажратилган амортизация ажратмаларидан, сотишдан тушган маблағлардан ёки мулкни ижарага берилгандан шаклланса.

ашкий манбалар устав сармоясига қўшилган хиссасидан, ларнинг мажбуриятларидан, давлат субсидияларидан шаклланади.

Молиялаштириш туристик корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб ан маблағлар хисобидан амалга оширилади. Молиялаштиришнинг энг шакли бу кредитлаш бўлиб хисобланади. Жалб қилинган кредит лар корхонанинг ривожланиш имкониятларини кенгайтиради.

Масалан: Самарқанд шаҳар Мустакиллик 23 кучасида жойлашган МЧ ед” хусусий меҳмонхонага 2015 йилда 12 млн сўм 9 ойга 36 % асосий лар (кондиционерлар) сотиб олиш учун банк кредитларидан танган. Худди шундай ОАТБ «Ипак йўли банк» Умар минтақавий ни томонидан ООО “Шахзода универсиал комфорт” меҳмонхонасига илда маиший техник воситалар сотиб олиш учун йиллик 20 фоизли нг кредит маблағларидан фойдаланган.\*

микрокредитлар туризмни ривожлантиришда қарз олувчиларга тор мақсадлар учун берилиши мумкин:

умладан:

кичик (мини) ускуналарни харид қилиш;

хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;

халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб иш;

хунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касаначилик)ни л қилиш;

сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

сайёҳлик (туризм) соҳасини ривожлантириш;

кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;

Мисол учун, ОАТБ “ Микрокредитбанк” Самарқанд вилояти филиали нидан 2014 йилда 29 903млн.сўм кредитлар берилган бўлиб, унинг 5 711 сўми, 17 % саноатни ривожлантириш, 8 107 млн.сўми, 24,2% кишлок

\*«Ипак йўли банк» Умар минтақавий филиали маълумотлари асосида тайёрланди.

хўжалигини ривожлантириш, 5 15 млн.сўми, 15,4%, савдо воситачилик 3 588 млн.сўм, 9,1%, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга, 3 062 млн.сўми, 8,7% бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган .

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳада ҳам ислохотларни фаоллаштиришни, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтиришни талаб этади.\*

---

\*.ОАТБ “Микрокредитбанк” Самарканд вилояти филиали маълумотлари асосида тайёрланди

### **III.606. ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ.**

#### **3.1. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг халқаро тажрибаси ва ундан фойдаланиш.**

Туризм соҳаси хизматлар кўрсатишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикада туризмни ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан: 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ва бир қанча қонун-ости ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган Давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Туризм соҳасини ривожлантириш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Туризм бизнесида, нисбатан кам харажат қилиниб кўп фойда олинади, аҳоли кўшимча иш жойлари билан таъминланади, туристик фаолияти бир қанча бошқа тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Расмий маълумотларга кўра туризм соҳаси дунё ялпи миллий маҳсулотининг 6 фоизга яқинини, жаҳон инвестициясининг 7 фоизини, дунё истеъмол харажатларининг 11 фоизини, барча солиқ тушумларининг 5 фоизини беради<sup>1</sup>.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири-бу ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилишдир. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, бугунги кунда туризм соҳасига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқа тармоқларга нисбатан юқори эмас. Тадқиқот натижалари шунинг кўрсатдики, бугунги кунда умумий инвестицияларнинг 5 фоизга яқини туризм соҳасига тўғри келади.

Туризм соҳасига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши натижасида сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми ошади, сифати эса яшхиланади. Туристик индустриясининг халқаро талаблар даражасида

<sup>1</sup>Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Проф. М.+.Пардаев, проф. Ш.Н.Мусаевлар ташрири остида.-Т.: «И-тисод-молия», 2008, 55-б.

ривожланиши мамлакатимизга хорижий сайёҳлар оқимининг кўпайишига имконият беради. Республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган чоратadbирлар белгиланган ва амалга оширилиб келинмоқда. Буларга туристик меҳмонхоналарни бошқаришни хорижий компанияларга ўтказиш, туризм соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан кўплаб туристик мажмуалар, шу жумладан Тошкент шаҳридаги «Интер-континентал», Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб-Палас», Бухоро шаҳридаги «Бухоро» меҳмонхоналари, хорижий менежерлар ихтиёрига ўтказилган. Ушбу корхоналарга хорижий инвестициялар кенг миқёсда жалб этилган ва юкори самара келтирмоқда.

Туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда самарадорлигини оширишда чет эл тажрибаларини ўрганиш ва улардан мақсадли фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади. Қуйида ушбу масала бўйича туризм бизнеси ривожланган айрим мамлакатларнинг тажрибасини кўриб чиқмиз.

Миср Араб Республикасида тарихий-маданий туризм кенг ривожланган. Мамлакатга ўртача йилига 10 миллиондан кўп туристлар ташриф буюради. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи туристик бизнеси билан шуғулланади. Ички ва ташқи туристларга 60 хил турдаги хизматлар кўрсатилади. Мамлакат иқтисодиётининг 70та туристик индустрияси билан банд. Туризм соҳасига ташқи, яъни хорижий инвестициялар кенг жалб қилинади. Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг инвестициялари туристларнинг турар жойларини барпо этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга, туризм хизматининг сифатини оширишга йўналтирилган.

Россияда экологик ва тарихий-маданий туризм жадал ривожланиб бормоқда. Туризм соҳасига давлат бюджети маблағлари ва корхоналар фаолиятидан олинган даромадлар (фойда) кўпроқ жалб қилинган. Банк

кредитларидан фойдаланилган ҳолда туристик биноларини куриш, уларни модернизациялаш амалга оширилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси жаҳон ретингига асосан ташриф бўюрувчи туристлар сони бўйича дунёда, Франция ва Испаниядан кейин учинчи ўринда туради. Хитойга хориждан йилига ўртача 134 млн. саёхлар ташриф буюради. Мамлакатда 1999 йилдан бошлаб байрам кунлари кўпайтирилиб ички туризмни исчил ривожланишига имкониятлар яратилган. Кейинги йилларда Хитойда қуйидаги туристик йўналишлар ривожланиб бормоқда: «Буюк Ипак йўли бўйича саёхат», «Ян Цизининг учта ғорлари бўйича саёхат», «Буюк император канали бўйича саёхат», «Конфуций жойларига сёхат», «Хитой музейлари бўйича саёхат», «Экстримал туризм жойларига саёхат», «Туристтик алпинизм» ва бошқалар.

Ички туризмнинг муҳим хусусияти шундаки туристлар давлат чегарасидан ўтказмасдан мамлакат ичидаги тарихий-маданий ёдгорликларни томоша қиладилар. Натижада миллий валютанинг айланиш тезлик ошади, яъни ушбу туризм хорижий валюта иштирок этмайди. Хитойда ички туризм бўйича йилига ўртача 200 миллион киши иштирок этади. Хитой туристик индустриясининг асосини хорижий инвестициялар ва давлат бюджети маблағлари ташкил қилади.

Испания туристлар оқими бўйича дунёда франциядан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатга йилига 55-56 млн. саёхлар ташриф бўюрадилар. Туризм соҳаси Испания ЯИМ нинг 12 фоизини беради. Фаол аҳолининг 10 фоизини ёки 2,8 млн. киши ушбу соҳада фаолият олиб боради. Туризм индустриясининг молиявий манбалари, асосан давлат маблағлари ва хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Франция дунёда туристик бизнеси ривожланган энг кучли мамлакат ҳисобланиб туристик оқим бўйича дунёда биринчи ўринни эгалайди. 64 млн. аҳолисига эга бўлган ушбу мамлакатни йилига ўртача 78-80 млн. саёхлар ташриф буюрадилар. Ушбу соҳада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 700 мингдан зиёди фаолият олиб боради. Туризм бизнесида олинган даромадлар йилига

ўртача 35-36 млрд.Еврони ташкил қилади. Мамлакатда меҳмонхона иши, хизмат сервиси яхши ривожланган.

Мамлакатнинг тарихий-маданий обидалари ҳар дойим ҳам хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Хорижий туристларни Франциянинг илм-фан маркази бўлиб келган «Ля Вильетт» шаҳарчаси, француз архитектурасининг рамзи ҳисобланган Версаль шаҳри, табиат кўйнида жойлашган «Дорсэ музей» туристлар оқимининг ошишига сабаб бўлмоқда<sup>1</sup>.

Францияда туризм соҳасига инвестициялар мамлакат бюджети, аҳоли маблағлари кенг жалб қилинган. Иқтисодиёти бақувват бўлган корхона ва фирмалар тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, туристик объектларни обод қилиш учун кўплаб маблағлар ажратадилар.

Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) иқтисодиётида туризм бизнеси муҳим аҳамиятга эга бўлиб мамлакат ялпи ички маҳсулотининг яқин 70 фоизни беради. БААда туризм соҳаси 20 асрнинг 90 йилларидан бошлаб жадал ривожланиб келмоқда. Ушбу соҳага катта миқдорда ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб қилиниши натижасида туристик индустрияси жадал суратлар билан ўсмоқда. Мамлакат ва халқаро банкларнинг кредитларидан туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш кенг йўлга кўйилган. БАА миллий туризмни бошқаришда иқтисодиёти ва туристик соҳаси ривожланган мамлакатларнинг мутахассисларидан кенг фойдаланилади.

Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган Германия, Австрия, Люксембург, Белгияда ҳам туризм соҳаси кенг ривожланган. Ушбу мамлакатларда туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган барча шарт-шароитлар, инвестицион муҳит яратилган. Аҳолиси 6 миллион бўлган Австрия давлатига йилига ўртача 30 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюради. Ушбу мамлакатда маданий-архитектура соҳасидаги туризм жадал ривожланиб бормоқда. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишда федерал бюджет ва аҳолининг молиявий ресурслари салмоқли ўрин тутади.

---

<sup>1</sup>Александрова А.Ю. Международнкий туризм. Учебник.-М.: «Аспект Пресс», 2014, с.160-161.

Туризм соҳасининг ривожлашида Жанубий Осиё ва Тинч Океани мамлакатларнинг хиссаси ҳам ошиб бормоқда. Малайзия, Сингапур, Филиппин, Индонезия сингари мамлакатларда табиий-экологик туризм жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Ушбу мамлакатларда туризм соҳасини ривожлантиришга халқаро банкларнинг кредитларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Туристтик бизнесига инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Малайзия туристик индустрияси жадал ривожланётган мамлакатлар каторига киради. Ушбу давлат сиёсатининг асосий мақсади туризм соҳасини энг ривожланган тармоққа айлантириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини ушбу соҳага кенг жалб этиш ва даромадларини оширишдан иборат. Малайзияда денгиз бўйларида дам олиш, сув остида сўзиш, экологик туризм кенг ривожланган. Мамлакатда туризм салоҳиятини реклама қилишга ката маблағлар сарф қилинади. Ушбу мақсадлар учун йилига ўртача 100-120 млн.долл. харажат қилинади.

Малайзияга йилига ўртача 20-25 млн. саёхлар келади ва ундан олинган фойда ўртача 14-15 млн.долларни ташкил қилади. Аҳолисининг асосий қисми мусулмон динига мансуб бўлган ушбу мамлакатда диний туризм кенг ривожланган. Малайзияда туризм соҳасининг асосий молиявий манбалари хорижий сармоядорларнинг маблағлари ва давлат бюджети маблағлари ташкил қилади.

Греция тарихий-маъданий туристик ресурсларга бой мамлакатларидан бири бўлиб, йилига 15 млн. саёх ташриф бўйуради. Ушбу соҳадан олинган даромад мамлакат ЯИМ нинг 8 фоизини ташкил қилади. Греция туризмнинг молиявий ресурслари, асосан давлат субсидияларидан иборат бўлиб, ушбу маблағлар туристик объектларини модернизация қилиш ва янги объектларни куришга сарфланади.

Иқтисодиёти ривожланган Японияда ҳам туризм соҳасига катта эътибор берилган. Ушбу мамлакатда тарихий-маданий ва архитектура соҳасидаги ички туризм кенг ривожланган. Диний тадбирларни ўтказиш, тарихий-

маданий ёдгорликларни зиёрат қилиш орқали сайёҳлар кенг жалб этилмоқда. Ушбу мамлакатнинг инвестиция сиёсатида туризм соҳаси алоҳида ўрин тутди.

Япония халқаро кўриклар, ярмаркалар, иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича семинарлар ташкил қилиниб хорижий мутахассислар ташриф буюртмоқдалар. Япония туризм соҳасини ривожлантиришга мамлакат бюджетининг маблағи кенг жалб қилинган.

Ҳиндистонда туризм соҳаси миллий иқтисодиёт таркибида учинчи ўринни эгалайди. Ушбу тармоқ мамлакат ЯИМ нинг 6 фоизини беради. Туризм бозори 100 млрд. долларни ташкил қилади. Биргина 2008 йилда туристик бизнеси орқали 9,8 млрд.долл. даромад олинди. Ҳиндистонга туристлар оқимининг географияси қўйидагича: Бангладеш-17 фоиз, Буюк Британия-16 фоиз, АҚШ-4,7 фоиз, Шире-ланка-4 фоиз. Турисларнинг 82 фоизи авиатранспорт орқали ташриф бўйуради. Ҳиндистон туризмнинг миллий ресурсларининг аксарият қисмини корхоналарнинг ва давлат бюджетининг маблағлари ташкил қилади. Ушбу маблағлар замонавий меҳмонхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция қилишда фойдаланилади.

Туркияда тарихий-маъданий туристик обидалар кўп бўлиб йилига ўртача 26-27 млн. саёҳлар келади. Туризм бизнеси 2008 йилда 21 млрд.долларга тенг бўлган даромадлар келтирилди. Туркия туризмнинг молиявий манбалари мамлакат бюджети, соҳа корхоналари ва хорижий инвестициялардан ташкил топган. Ушбу маблағлар, асосан маъданий туризм, круиз, сув остида сўзиш каби туристик йуналишларни янада ривожлантиришда фойдаланади.

Юқорида келтирилган халқаро туризм индустрияси амалиёти шуни кўрсатдики, туризм бизнесининг ривожини бир қанча омилларга бевосита боқликдир. Ушбу омиллар ичида туризмни бошқариш масалалари алҳида ўрин тутди. Тадқиқот натижаларга асосланиб, дунёнинг қатор мамлакатларида туризм индустриясини бошқариш тартибини келтирдик.

**Дунёнинг айрим мамлакатларида туризм соҳасини бошқариш тартиби**

№	Мамлакатлар	Туризм соҳасидан олинган ўртача йиллик даромад, ёки мамлакат яим даги ҳиссаси	Бошқарув органи
1	Франция	6-7% (35,0 млрд.Евро)	Франция туризмни ривожлантириш агентлиги
2	Греция	8%	Греция Миллий туризм ташкилоти
3	Хитой Халк Республикаси	53,0 млрд.долл.	Туризм давлат бошқармаси
4	Испания	12%	Давлат миллий туризм ташкилоти
5	Ҳиндистон	6,2% (10,0 млрд.Евро)	Туризм вазирлиги
6	Туркия	28,0 млрд.долл.	Маданият ва туризм вазирлиги
7	Малайзия	13,8 млрд.долл.	Туризм вазирлиги
8	Белгия	3% (10,0 млрд.долл.)	Белгия туризм идораси (офиси)
9	Германия Федератив Республикаси	8%	Иқтисодиёт ва технология вазирлиги
10	Япония	2%	Япония туризм агентлиги
11	АҚШ	3% (134 млрд.долл.)	Савдо вазирлиги қошидаги Туризм индустрияси бюроси
12	Сингапур	5% (12,5 млрд.долл.)	Савдо ва саноат вазирлиги қошидаги Туризм бўйича автаном кенгаш
13	Латвия	3% (517,0 млн.Евро)	Туризмни ривожлантириш давлат агентлиги
14	Миср Араб Республикаси	10%	Туризм вазирлиги
15	Ўзбекистон	0,2%	Ўзбектуризм миллий компанияси

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики алоҳида мамлакатларда туризм соҳасини ривожлантириш учун турли молиявий манбалардан фойдаланилган

**Дунёнинг айрим мамлакатларида туризм соҳасини ривожлантиришга  
йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби**

№	Мамлакатлар	Туризм соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг асосий турлари
1	Франция	Давлат бюджети маблағлари, аҳоли ва корхоналарнинг маблағлари
2	Хитой Халқ Республикаси	Хорижий инвестициялар, давлат бюджети маблағлари, корхоналарнинг маблағлари
3	Россия	Давлат бюджети маблағлари, корхоналарнинг маблағлари
4	Миср Араб Республикаси	Хорижий инвестициялар, корхоналарнинг маблағлари
5	Испания	Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар
6	Австрия	Федерал бюджет маблағлари, аҳоли маблағлари
7	Греция	Давлат субсидиялари, хорижий инвестициялар
8	Япония	Давлат бюджети маблағлари, корхоналарнинг маблағлари
9	Ҳиндистон	Корхоналарнинг маблағлари, хорижий инвестициялар,
10	Туркия	Давлат бюджети маблағлари, корхоналарнинг маблағлари, хорижий инвестициялар
11	Малайзия	Хорижий инвестициялар, давлат бюджети маблағлари
12	Ўзбекистон	Корхоналарнинг маблағлари, давлат бюджети маблағлари

10-жадвал маълумотлари орқали олиб борилган илмий таъдқиқот натижаларига асосланиб мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича хорижий тажрибалардан самарали фойдаланишга қаратилган қуйидаги таклифларни берамиз:

- туризм бизнеси ривожланган мамлакатларнинг инвестиция муҳити ва таркибини доимий равишда ўрганиб бориш;

- халқаро туризм индустрияси ривожланган мамлакатларига тажриба ортириш мақсадида мутахассисларнинг хизмат сафарларини кўпроқ ташкил этиш;

•туризм соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича хорижий тажрибани миллий туризм соҳасига жорий этиш;

•туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган халқаро илмий ва илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

### 3.2. Туризм соҳасини ривожлантиришда АТБ

#### “Узсаноатқурилишбанк” кредитларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш.

Аксарият банклар учун хўжалик субъектларини кредитлаш (одатда, корпоратив мижозларга кредит хизматлари деб номланувчи) банк кредит амалиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун турли турдаги мижозларни кредитлаш усуллари ва проседурасининг кўриб чиқилиши, корпоратив мижозларни кредитлаш амалиётининг таҳлилидан бошланиши зарурдир.

11-жадвал

АТ “Саноат-қурилиш банки” кредитпортфелининг сифат бўйича таснифи<sup>4</sup>,  
(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	2	3	4	5	6	7
Банкнинг кредит қўйилмалари – Жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
яхши кредитлар	95,3	96,8	95,7	95,9	96,0	95,3
стандарт кредитлар	3,8	2,5	2,9	3,3	2,1	2,8
субстандарт кредитлар	0,5	0,5	0,6	0,4	0,8	0,7
шубҳали кредитлар	0,3	0,2	0,3	0,4	0,7	0,6

<sup>4</sup>АТ «Саноат-қурилиш банки»нинг йиллик ҳисоботлари.

1	2	3	4	5	6	7
умидсиз кредитлар	0,1	0,0	0,5	0,0	0,4	<b>0,6</b>

11-жадвалдан кўриниб турганидек, таҳлил қилинаётган даврда АТ «Саноатқурилишбанки» томонидан берилган кредитларнинг асосий қисми сифат даражаси бўйича яхши кредитлар гуруҳини ташкил этади. Стандарт кредитлар банкларнинг кредит портфелида сўнги салмоқли ўрин тутиб, таҳлил этилаётган даврнинг охирида тегишли равишда 2,8 фоизни ташкил этган.

**Корпоратив миждозларга бериладиган кредит турлари.** Банклар ўз корпоратив миждозларига турли хилдаги кредитларни қисқа ва узок муддатга таклиф қилишади. Улар ўртасида энг кўп қўлланиладиганлари (расмийлаштириш нўқтаи назаридан) жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

12-жадвал

Қисқа муддатли кредитлар	Узоқ муддатли кредитлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишончли (бланк) кредитлари;</li> <li>• Алоҳида ссуда ҳисобрақаами бўйича кредитлаш;</li> <li>• Овердрафт ҳисобрақаами орқали кредитлаш;</li> <li>• Контокоррент ҳисобрақамлари бўйича кредитлаш;</li> <li>• Ломбард кредитлари;</li> <li>• Факторинг хизматлари.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш.</li> </ul>

### **Корпоратив миждозларга қисқа муддатли кредитлар.**

**Ишончли (бланк) кредитлари.** Кредитларни таъминотисиз - ишонч асосида бериш банк учун катта риск билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, бундай кредитни олувчининг кредитни қайтариш қобилияти (рейтинги) 1-синфдан паст бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, банк билан кредит олувчи

ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлиши ва кредит олувчининг тўловга лаёқатлилиги (қобиллиги) шубҳа туғдирмаслиги лозим.

Ишончли кредитлар рейтинги 1-синфга мансуб бўлган (айрим ҳолларда истисно тариқасида, кредитларни мунтазам равишда ўз вақтида ёки муддатидан олдин қайтарган кредитга лаёқатлилиги 1-синфдан паст бўлган корпоратив мижозларга), яхши кредит тарихи ва етарли ўз сармоясига эга бўлган ликвидлик даражаси ўртадан юқори бўлган ҳамда кредитни қайтара олиш қобилиятига эга бўлган мижозларга берилади. Ишончли кредитларни беришни асосий шартларидан бири қайтариш муддати 1 йилгача бўлишидир.

*Ишончли кредит белгиланган муддатда қайтарилиши лозим, унинг муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.*

Таъминланган ёки таъминламаган ишончли кредитларни бериш, кредитнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда кредит шифрига асосан очиладиган алоҳида ссуда, контокоррент ва овердрафт ҳисобрақамлари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Кредитни қайтариш муддати келганида, қарздорнинг кредитни қайтариш учун пул маблағлари бўлмаса, кредит муддати ўтган ссуда ҳисобрақамига ўтказилиб, у бўйича мажбуриятномалар эса №2-картотекага жойлаштирилади ва календар навбати тартибида ундирилади.

*Алоҳида ссуда ҳисобрақами бўйича кредитлаш.* Тижорат банки ва унинг филиаллари корпоратив мижозларни кредит линиялари очиб ёки очмасдан алоҳида ссуда ҳисобрақамлари орқали қуйидаги мақсадлар учун кредитлашлари мумкин:

- товар-моддий бойликларини сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаб беришга;
- кредит олувчининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ва амал қилиш муддати 30 кундан ошмайдиган аккредитивларни очишга.

Корпоратив мижозларни «Кредит линияси очмасдан» алоҳида ссуда ҳисобрақами орқали кредитлаш, кредит шартномасида кўрсатилган мақсадга мувофиқ, товар-моддий бойликларини сотиб олиш, бажарилган ишлар ва

кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун кредит олувчининг тўлов топшириқномасини бажариш йўли билан амалга оширилади. Ссуда ҳисобрақамидан тўловни амалга ошириш тўғрисидаги банк қарори, ҳар бир тўловни ўтказиш мақсади, кредит шартномасида қайд этилган мақсадларга мослигини таҳлил этиш асосида қабул қилинади.

Банк томонидан кредитни ундириш, кредит шартномасида белгиланган муддат ва ўрнатилиши мумкин бўлган қуйидаги тартибларда амалга оширилади:

- кредитни қайтариш жадвали ёки мажбуриятномада кўрсатилган кредитни қайтариш муддати етиб келганида, кредит олувчининг асосий «талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобрақамидан мемориал ордер асосида ундириш йўли билан;

- кредит олувчининг тўлов топшириқномасига асосан, муддатидан олдин, унинг «талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобрақамида мавжуд пул маблағларини ссуда ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан;

- банк томонидан кредит таъминотига кафиллик бўйича олинган мажбуриятлардан, суғурта полиси бўйича суғурта копламаларидан, шунингдек, гаров ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш орқали ундирилади.

Корпоратив мижозларни «Кредит линиясини очиш» орқали кредитлаш, кредит шартномасида аввалдан қайд этилган кредит суммаси доирасида, алоҳида ссуда ҳисобрақамидан амалга оширилади. Бунда, кредит олувчининг асосий фаолиятига тааллуқли бўлган товар-моддий бойликларини сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисобкитоб ҳужжатлари кредит маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

«Кредит линиясини очиш» орқали кредит бериш, банкнинг кафолат мажбуриятномаси билан расмийлаштирилади. Банк бунда, вакиллик ҳисобрақами ҳолатидан қатъий назар, ҳеч қандай тўсқинликларсиз кредит олувчига, кредит шартномасида белгиланган муддат ва ўрнатилган лимит доирасида кредитлашни кафолатловчи мажбуриятни ўз зиммасига олади.

«Кредит линиясини очиш» йўли билан бериладиган кредитнинг миқдори, ундан фойдаланиш муддатлари ва уни қайтаришнинг даврийлиги кредит олувчини махсулот етказиб берувчилар, харидорлар билан тузган шартнома - битимларини таҳлил этиш асосида белгиланиши ҳамда, улар кредит шартномасида ўз аксини топади.

Кредит олувчига «очик кредит линияс» бўйича хизмат кўрсатилганлиги учун, у банкка кредит шартномасида қайд этилган кредитлаш лимитининг фойдаланилмаган суммасига ҳисобланадиган воситачилик ҳақини тўлайди. Кредит олувчи кредитлаш линиясининг амалда фойдаланилган қисми учун фоизлар тўлайди.

**Овердрафт ҳисобрақамлари орқали кредитлаш.** Овердрафт контокоррент ҳисобрақамининг махсус шакли ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, банк миждознинг асосий «талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобрақаида қиска муддат мобайнида дебетли (қопланмаган) қолдиқ бўлишига рухсат беради.

Овердрафт ҳисобрақамидан фойдаланиш ҳуқуқи банкнинг энг ишончли миждозларгагина берилади.

Овердрафт ҳисобрақамидан кредит бериш, кредит олувчининг асосий фаолиятига тааллуқли бўлган товар - моддий бойликларини сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаб бериш йўли билан амалга оширилади. Овердрафт ҳисобрақамидан тўловларнинг бошқа (кечиктириб бўлмайдиган эхтиёжлар, бюджетга тўловлар ва бошқа) турлари овердрафт ҳисобрақаидаги кредитли (қопланган) қолдиқ доирасида амалга оширилади.

Кредит овердрафт ҳисобрақамидан берилганда, кредит олувчининг шу ҳисобрақамга кирим қилинадиган барча суммалари кредитни коплашга сарфланади. Шунинг учун, овердрафт ҳисобрақаида маблағларнинг тушишига қараб, берилган кредитнинг ҳажми ўзгариши мумкин. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар келишилган ставкалар бўйича ундирилади.

Овердрафт ҳисобрақамидан кредит берилганида, кредит олувчи ҳар ойнинг охирида бу ҳисобрақам бўйича кредитли (копланган) қолдиқни таъминлаши керак. Гарчи, миқоз банкда муддатли депозит ҳисобрақамига эга бўлса, у ҳолда унга ўз депозит маблағлари миқдори доирасида доимий дебетли (копланмаган) қолдиққа эга бўлиш ҳуқуқи берилади. Кредит олувчининг мазкур банкда муддатли депозит ҳисобрақами бўлмаган ва ой охирида ҳам овердрафт ҳисобрақамида дебетли (копланмаган) қолдиқ сақланиб қолган тақдирда, шу миқозга кредит бериш (берилган кредит тўлиқ қайтарилгунга қадар) тўхтатилади.

Кредит олувчи овердрафт ҳисобрақамидан фойдаланганда, у кредитнинг юқори ликвидли таъминоти мавжудлиги ва қисқа муддатли кредитнинг белгиланган муддатига риоя этиш шартларига амал қилган ҳолда, кредитнинг бу турини бошқа турига қайтадан расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Овердрафт ҳисобрақамидан берилган кредит, кредитнинг контокоррент турига қайтада расмийлаштирилмайди.

**Контокоррент ҳисобрақамлари бўйича кредитлаш.** Банк контокоррент ҳисобрақамидан молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корпоратив миқозларни кредитлайди. Бу ҳисобрақам миқознинг ягона ҳисобрақами ҳисобланиб, кредит шартномасига асосан очилади ва банк шу ҳисобрақам орқали миқознинг барча турдаги амалиётларини амалга оширади. Мазкур ҳисобрақам актив-пассив ҳисобланади, ҳам актив, ҳам пассив қолдиққа эга бўлиши мумкин. Контокоррент ҳисобрақами очилиши билан кредит олувчининг асосий «талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобрақами ёпилади.

Кредит олувчи контокоррент ҳисобрақами бўйича ўрнатилган кредитлаш лимити доирасида кредитланади. Контокоррент ҳисобрақамига кредит олувчининг барча тушадиган маблағлари қирим қилинади. Агар қирим қилинган маблағ олинган кредит суммасидан ошиб кетса, у ҳолда контокоррент ҳисобрақами (белгиланган мақсадини ўзгартирмаган ҳолда) кредитли (копланган) қолдиққа эга бўлади.

Контокоррент ҳисобрақамидан кредитлаш, кредит олувчининг асосий фаолият билан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликларини сотиб олиш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш йўли билан амалга оширилади. Бошқа турлари (кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ва х.к.) тўловлар контокоррент ҳисобрақамидаги мавжуд кредитли (қопланган) қолдиқ доирасида амалга оширилади.

Контокоррент ҳисобрақамидан берилган кредитларни ундириш сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тушадиган тушумни шу контокоррент ҳисобрақамига кирим қилиш йўли билан амалга оширилади.

Контокоррент ҳисобрақамидаги қолдиқлар бўйича фоизларни ҳисоблаш, кредит шартномасида қайд этилган муддатларда, дебетли (қопланмаган) ва кредитли (қопланган) қолдиқлар бўйича алоҳида - алоҳида амалга оширилади:

- дебетли қолдиқ бўйича, мижоз банкка, кредит шартномасида кўрсатилган фоиз ставкасига мувофиқ фоизларни тўлайди;

- кредитли қолдиқ бўйича эса, банк мижозга, банкдаги ҳисобрақамга хизмат кўрсатишга доир тузилган шартномада белгиланган фоизларни тўлайди.

Контокоррент ҳисобрақамининг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмаслиги керак. Кредит олувчи 12 ойлик муддат тугаши биланок, бу ҳисобварақда кредитли қолдиқни таъминлаши лозим. Агарда кредитлаш муддати тугаганда ҳам, ҳисобрақамда дебетли (қопланмаган) қолдиқ бўлса, у ҳолда берилган кредит тўлиқ қайтарилмагунча кейингисини бериш тўхтатилади.

Кредит олувчининг молиявий кўрсаткичлари, тўлов қобилияти ёмонлашган ва келгусида уларни яхшилаш имкониятлари бўлмаган тақдирда, кредит комиссияси кредит олувчига контокоррент ҳисобрақами бўйича кредит беришни тўхтатиш ҳамда берилган кредитларни, сотилган товарлар,

бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тушадиган тушумни контокоррент ҳисобрақамига кирим қилиш йўли билан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилади.

**Ломбард кредитлари.** Ломбардли кредит, кредит олувчининг асосий фаолиятга тааллуқли бўлган товар - моддий бойликларни сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг хақини тўлаш учун қимматли қоғозларни гаровга олиб, алоҳида ссуда ҳисобрақамидан берилган қисқа муддатли ссудадир.

Ломбардли кредит таъминотига, гаров шартномасини расмийлаштирган ҳолда, қуйидаги қимматли қоғозларни қабул қилиш мумкин:

- давлатнинг қимматли қоғозлари;
- бошқа эмитентларнинг аксиялари, облигациялари ва депозит сертификатлари.

Банкнинг ўз аксиялари гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Ломбард кредитининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, гаровга олинadиган қимматли қоғозлар, шартнома тузилган кундаги номинал қиймати бўйича эмас, балки уни сотишда юзага келадиган, курсга боғлиқ рискларни инобатга олган ҳолда аниқланган қиймати билан баҳоланади. Шунинг учун ҳам, банклар қимматли қоғозларни гаровга қўйиш асосида ломбард кредитини бериш тўғрисида қарор қабул қилишда, кредит олувчининг молиявий аҳволи ва кредитни қайтариш қобилиятини таҳлил этиш билан бирга, кредит таъминотига олинadиган қимматли қоғозлар курси бўйича рисклар даражасини баҳолашга ҳам алоҳида аҳамият беришлари лозим. Қимматли қоғозлар бозорида биржа курсини тебраниб туриши муносабати билан қимматли қоғозларни котировкалашда курсга боғлиқ рискни мавжудлиги сабабли, уларнинг гаров қиймати биржа баҳосининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Биржада котировка қилинмайдиган қимматли қоғозларнинг гаров қиймати эса, улар номинал қийматининг 60 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қимматли қоғозлар гарови асосида бериладиган кредит 12 ойгача бўлган, лекин шу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш давридан ошмаган муддатга берилади.

Кредит шартномасида қимматли қоғозларнинг қиймати биржадаги котировка курслари, фонд биржасида бўлиб ўтган сўнги савдодаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади. Давлат қимматбаҳо қоғозлари юқори рейтинг даражасига эга эканлиги учун, уларни гаровга олиб кредит берилганда, кредитнинг максимал суммаси гаров қийматининг 90 фоизигача етиши мумкин.

Кредит олувчи фонд биржасидан сотиб олган бошқа қимматли қоғозларини гаровга қўйганида, бериладиган кредитнинг энг максимал миқдори улар гаров қийматининг 75 фоизидан юқори бўлмаслиги лозим.

Ломбардли кредитларни бериш, ундириш ва фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш, алоҳида ссуда ҳисобрақами бўйича кредитлашга ўхшаш бўлган умумий тартибда амалга оширилади. Бунда кредит олувчининг асосий фаолият билан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликларини сотиб олиш учун, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўловга қабул қилинади.

Қимматли қоғозларни гаровга қўйиш асосида кредит шартномаси тузилганидан кейин, банк эмитентга, унинг қимматли қоғозларини гаровга қўйиш тўғрисидаги битим амалга оширилганлиги ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлар ўтказилиши лозим бўлган депозит ҳисобрақами тўғрисида хабар қилади. Ломбардли кредитда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар бўйича олинadиган даромадлар, кредит олувчининг муддациз депозит ҳисобрақамига (депозит шартномасини расмийлаштирмаган ҳолда) кирим қилинади ва биринчи навбатда уларни саклаш бўйича харажатларни қоплашга шунингдек, кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга сарфланади.

Банк кредитлаш жараёнида телекс, компьютер ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида гаровга қўйилган қимматли қоғозларнинг биржадаги котировка

курсларини ўзгаришларига доир ахборотларни йиғиб боради. Агар кредитлаш давомида фонд биржасида бўлиб ўтган савдолар натижасида гаровга қўйилган қимматли қоғозларнинг қиймати пасайиб кетса, у ҳолда ана шу миқдордаги суммага кредит комиссиясининг қарори билан қўшимча таъминотни тақдим этилиши талаб қилиниши ёки кредитнинг таъминланмаган қисми муддатидан олдин ундирилиши мумкин.

Кредит олувчига, гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва улар бўйича олинган даромадлар, ломбардли кредит бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилганидан кейингина қайтарилади. Ломбардли кредит бўйича мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, банк имтиёзли ой ўтиши билан гаров ҳақидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзининг гаровга доир ҳуқуқини амалга оширади.

**Факторинг хизматлари.** Банклари томонидан ўз мижозларининг учинчи шахслардан пулни талаб қилиш ҳуқуқини банкка ўтиб беришлари эвазига тўловнинг катта қисмини дарҳол қоплаш, қарзни тўла қайтаришни кафолатлаш, ҳисобварақаларни юритиш борасида ҳаражатларни камайтириш имкониятлари билан боғлиқ молиялаштириш амалиётларни амалга оширишлари мумкин.

Факторинг - бу корпоратив мижозлар – мол етказиб берувчилар томонидан банк - молия агентига тўловчилардан жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун улар томонидан акцептланган, лекин ҳали тўланмаган тўлов талабномалари бўйича пул тўловини олиш ҳуқуқини ўтиб беришлари эвазига, регрес ҳуқуқисиз, молиялаштириш борасидаги банк хизмати туридир.

Факторинг операсиясини амалга ошириш вақтида банк мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқини банкка ўтиб берилган тўлов талабномалари бўйича факторинг шартномасида ўзаро келишилган маблағни ўтказиб беради .

Банк томонидан ўтказиб берилган маблағ суммаси билан тўлов талабномасида кўрсатилган сумма ўртасидаги фарқ (дисконт) банк даромадини ташкил қилади.

Факторинг хизматлари кўрсатилишини мажбурий шarti тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг мавжуд эмаслигидир.

Банк томонидан тўловни талаб қилиб олиш ҳуқуқини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

Ваколатли банклар томонидан экспорт амалиётлар бўйича факторинг хизматлари, ўзлари хизмат кўрсатувчи ҳамда хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамига эга бўлган корхона ва ташкилотларга, 60 кундан ошмаган муддатга кўрсатилади.

Экспорт амалиётлари бўйича факторинг хизматлари кўрсатишдан олинадиган банк даромади деганда хорижий валютадаги тўлов ҳужжатининг номинал қиймати ва уларнинг шартномага мувофиқ банкка ўтиб берилган суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлган дисконт тушунилади.

Экспорт амалиётлари бўйича факторинг хизматларини кўрсатилишининг мажбурий шarti мижозда тегишли хорижий шерик билан олдин тузилган ва ҳисобга олинган экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзининг мавжуд эмаслигидир.

Ваколатли банклар фақатгина белгиланган тартибда ҳисобга олинган экспорт шартномалари бўйича хорижий вакил банклардан олинган банк кафолати суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ёки ушбу экспорт шартномаси бўйича очилган чақириб олинмайдиган аккредитивлар суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда факторинг хизматларини кўрсатадилар.

Экспорт амалиётлари бўйича факторинг амалиётларини амалга оширишда ваколатли банк, шартномада келишилган миқдорда дисконт суммасини чегирган ҳолда мижоз томонидан банкка ўтиб берилган

суммасидаги маблағни мижознинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча транзит депозит ҳисобрақамига ўтказиб беради.

Мижоз, унинг валюта ҳисобрақамига тушган хорижий валюта маблағларидан тўла ҳажмда, дисконт суммасини чегириб ташламаган миқдорда, мажбурий сотишни амалга оширади.

Пулни талаб қилиш ҳуқуқини ўтиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан сўнг мижоз хорижий шеригини ва унинг кафилини бу ҳақида хабардор қилиши ҳамда мазкур тўлов ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун банк - молия агентининг банк реквизитларини маълум қилиши шарт.

Агар тўлов шакли сифатида аккредитив қабул қилинган бўлса, бундай ҳолатда мижоз аккредитивни банк молия агенти фойдасига қайта расмийлаштириш бўйича ҳаракатларини ўз вақтида амалга ошириши ва ушбу қайта расмийлаштирилиш амалга оширилганлиги ҳақида банкни хабардор қилиши шарт.

#### **Узоқ муддатли кредитлар.**

**Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш.** Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 ноябрдаги 251-сонли қарорининг 1-Иловаси билан тасдиқланган “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 майдаги 91-сон қарори 2-Иловаси билан ушбу Низомга киритилган қўшимчалар, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорининг 2-Иловаси асосида тасдиқланган “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида”ги, Марказий банкнинг 2014 йил 19 майда Адлия вазирлигида 1358-сон билан рўйхатга олинган “Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан “калити билан” шарти асосида объектлар қурилишини амалга ошираётган пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби

тўғрисида”ги Низомлари ва тижорат банкларининг кредит сиёсатига асосан амалга оширилади.

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга инвестицион кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва берилган кредитларни мақсадга мувофиқ ишлатишлик таъминчилигига риоя қилинган ҳолда шартнома асосида берилади. Ушбу ажратилаётган кредитлар миқдорнинг бирламчи ҳисоб рақами очилган банк филиалидан, айрим ҳолларда иккиламчи ҳисоб рақами очилган банк филиалидан берилиши мумкин.

Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга хўжалик юритувчи субъектларга инвестицион кредитлар берилмайди, агар илгари кредитлар берилган бўлса белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олинади. Кредит ресурсларидан узоқ муддатли молиявий тангликлар, хўжасизлик ва зарарлар ўрнини қоплашда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида қарз олувчининг кредит йиғма жилди шакллантирилади. Зарурат тўғилганда банк инвестицион лойиҳани амалга ошириш мумкинлигини ва кредитга лаёқатлилигини тасдиқлайдиган қўшимча ҳужжатларни миқдордан талаб қилиши мумкин.

Қарз олувчи томонидан олдин кредитлар олинган бўлса ва ушбу мажмуалар ўз муддатида ишга туширилмаган ва қурилиши тугатилмаган ҳамда муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлган тақдирда ушбу миқдорнинг инвестицион лойиҳаси кредитланмайди.

Қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳатдан модернизациялаш ва ишлаб чиқариш мажмуаларини (объектлари) кредитлаш қуйидаги шартлар бажарилган тақдирдагина амалга оширилади:

-лоийҳа-смета ҳужжатларини мувофиқлаштириш ва тасдиқланишини амалдаги тартиб асосида амалга оширилиши;

-Давлат Қурилиш назорати ёки унинг маҳаллий органларининг барча турдаги қурилиш ишлари, турларини мулкчилик шаклидан қатъий назар олиб бориш тўғрисида ёзма рухсатномаси;

- лойиҳаларнинг контракт-шартномаси билан таъминланганлиги;

-пудрад ишларини амалга ошириш давридаги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда тузилган контракт-шартнома билан таъминланганлиги;

-қарз олувчи томонидан тақдим этилаётган лойиҳа иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлашни банк экспертиза комиссияси томонидан мақуллиниши;

-лойиҳа қийматидан келиб чиққан ҳолда унинг хусусий ёки бошқа молиявий манбалар билан таъминланганлиги. Бунда хусусий маблағлари кредитланаётган объектнинг 25% миқдоридан кам бўлмаслиги лозим;

Тижорат банки филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган миждозларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар кредит сиёсатининг асосий йўналишлари талабларидан келиб чиқиб ҳолда кредитлаш жараёнларини ташкил этадилар. Банк филиаллари мазкур тартиб доирасида ссуда маблағидан янада самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда кредит олувчилар билан ўз муносабатларини тартибга соладилар. Улар кредитлаш объектини белгилаш, кредит ёрдамида амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини аниқлаш билан боғлиқ барча масалаларни мустақил равишда ҳал қиладилар.

Тижорат банки Бошқаруви кредит муомалаларининг фойдалилик даражасини таъминлаш мақсадида жалб қилинган кредит ресурслари қиймати, бозор конъюктурасидаги алоҳида кредит турларига бўлган талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда узок муддатли кредитлар бўйича белгиланадиган фоиз миқдорини Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражаси ҳамда банкнинг олиниши керак бўлган маржасига қараб ўзгартириши мумкин.

Инвестицион кредитлар – хўжалик юритувчи субъектларга янги турдаги маҳсулот ва янги технологик жараёнларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва янгилаш билан боғлиқ тез қопланувчи ва юқори самара

берувчи тадбирлар учун берилади. Кредитдан фойдаланишнинг аниқ муддати кредитланаётган объектлар бўйича маблағларнинг айланиши ва ҳаражатлар оқланиши асосида белгиланади.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта жихозлашга доир ҳаражатлар билан боғлиқ инвестиция мақсадлари учун 3 йил ва ундан ортиқ муддатга берилади.

Капитал қурилиши объектларини қайта таъмирлаш ва технологик жараёнларни ишга туширишни кредитлаш қуйидаги шартлар бажарилгандан кейингина амалга оширилади. Жумладан:

-лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги андозалар(норматив) асосида ва ушбу тартиб шартларидан келиб чиққан ҳолда келишиб, тасдиқлаш;

-давлат архитектура назорати ёки маҳаллий ҳокимият органларининг барча турдаги қурилиш ишларини амалга ошириш учун ёзма рухсатномаси;

-олинадиган янги технология ва хом-ашёларнинг шартнома билан таъминланганлиги;

-бажариладиган иш ва хизматлар пудрати инфляция ҳолатларини ҳисобга олган ҳисоб-китоби ва шартнома билан таъминланганлиги;

-кредит олувчи томонидан тақдим қилинган иқтисодий ҳисоб-китобларнинг ўз-ўзини қоплаши тўғрисидаги маълумотлар банк томонидан экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулосалар;

-мажмуалар хўжалик субъектларининг ўз манбалари ҳисобидан ёки лойиҳа қийматининг 25% тайёргарлиги мавжуд бўлган тақдирдагина кредитланади;

-қурилиш мажмуалари агар хўжалик юритувчи томонидан олдин олинган кредитларидан муддати ўтгани мавжуд бўлса у ҳолда кредитланмайди;

-банк томонидан берилган кредитни ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида кафолатнома, гаров, ёки бошқа мажбуриятлар олинади.

## Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва табақалаштириш стратегиялари замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларни йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифаларни ўрганиб бориш тобора **долзарб** бўлиб бормоқда.

Тадқиқот натижаларининг **назарий ва амалий** аҳамияти, тижорат банклари томонидан туризм соҳасига хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредитнинг аҳамиятидаги назарий қарашлар умумлаштирилган ҳолда тадқиқот натижаларни туристик сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кредитнинг роли ва унинг самарадорлигини таъминлашга дори амалий таклифлар бериш.

Туризмни ривожлантириш масаласи нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Туризм орқали биз дунёни таниймиз ва бизни ҳам дунё танийди. Шу туфайли ушбу соҳанинг ривожланишига мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта аҳамият бериб келинмоқда. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати ҳам шакллантирилди ва у қонуний жиҳатдан кучга кирди.

Мамлакатимизда туризм ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилишига, унинг ҳуқуқий асоси шакллантирилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 мартдаги «Самарқанд икти-содиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 144-сонли Қарорини асос бўлди. Ҳар қандай ишни самарали амалга ошириш

учун биринчи галда муносиб кадрлар тайёрлаш лозимлигидан келиб чикиб, ушбу вазифа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига юклатилди.

Республика ҳукумати туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирмоқда. Бундан ташқари, туризм саноатида хорижий инвестициялар учун барча қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига биноан хорижий инвесторларга бир канча қулайликлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 40 (21.02.97 йил) “Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил учун инвестицион дастур тўғрисида”ги қарорига биноан туризм соҳасида янги объектлар кўриш режалаштирилди. Булар, биринчидан, “Буюк”, “Бизнес-марказ” ва республика вилоятларида янги меҳмонхоналар қуриш; иккинчидан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэровокзалларини таъмирлаш; учинчидан, Тошкент – Самарқанд - Бухоро автойўлларида янги сервис марказларини қуриш; тўртинчидан, “Ўзбектуризм” миллий компанияси кўпгина объектларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига таъмирлаш давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати раҳбарлигида “Ўзбектуризм” миллий компанияси Бутун жаҳон туризм ташкилоти билан биргаликда ва БМТ ривожланиш дастури кўмагида “Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш” миллий проектини ишлаш учун халқаро экспертлар гуруҳини тузди. Ушбу гуруҳга Майкл Жозеф Мак Налти бошчилигида Ўзбекистон, Буюк Британия, Ирландия, АҚШ ва Ҳиндистонлик юқори малакали мутахассислар кирди. Лойиҳанинг асосий мақсади - мамлакатга кўп микдорда хорижий сайёҳларни жалб қилиш, туризм тадбиркорлигини даромадли тармоқлардан бирига айлантириш, мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, рақобатбардош ва кучли туризм соҳаси билан жаҳон бозорига чиқишдан иборат. Хорижий экспертларнинг баҳолашича, Ўзбекистонда туризмнинг йиллик ўсиши 7 % ни ташкил қилади.

ОАТБ “Ипак Йўли” “Умар” минтақавий филиали томонидан 2014 йилгача жами бўлиб 24 та, 56477 мин сўм таълим кредитлари берилган бўлса, 2014 йил бошидан 13 та, 32810 минг сўм таълим кредити берилган. Низомга мувофиқ имтиёзли кредитлар, яъний Чин етимлар, “Мехрибонлик уйлари” да тарбияланувчиларга, болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари бўлган талабаларга ва кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга банк томонидан кредитлар берилмаган.

Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан берилади, банк томонидан 2014 йилда берилган таълим кредитларнинг 5-таси Самарқанд шаҳрида шунинг 2-таси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабасига берилган, 3-таси Қўшробот туманида, 1-тадан Жомбой, Оқ-дарё, Пастдарғом ва Пайариқ туманида истиқомат қилувчи талабалар томонидан олинган.

Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари томонидан таълим кредитларидан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бормоқда, жумладан 2011/2012 ўқув йилларида 50 нафар талаба таълим кредитларидан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич 2012/2013 ўқув йилида 95 нафарни ташкил этган ва бу 2013/2014 ўқув йилида 150 тага етган.

Бу маълумоталарни мутахассисликлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак аксарият кредитлардан фойдаланувчилар туризм ва хизмат кўрсатиш мутахассисликлари талабаларига тўғри келади, яъни бу кўрсаткич 45% ташкил этмоқда.

Аксарият банклар учун хўжалик субъектларини кредитлаш (одатда, корпоратив миждозларга кредит хизматлари деб номланувчи) банк кредит амалиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун турли турдаги миждозларни кредитлаш усуллари ва проседурасининг кўриб чиқилиши, корпоратив миждозларни кредитлаш амалиётининг таҳлилидан бошланиши зарурдир.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига асосланиб мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича хорижий тажрибалардан самарали фойдаланишга қаратилган қуйидаги таклифларни берамиз:

- туризм бизнеси ривожланган мамлакатларнинг инвестиция муҳити ва таркибини доимий равишда ўрганиб бориш;

- халқаро туризм индустрияси ривожланган мамлакатларига тажриба ортириш мақсадида мутахассисларнинг хизмат сафарларини кўпроқ ташкил этиш;

- туризм соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича хорижий тажрибани миллий туризм соҳасига жорий этиш;

- Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган халқаро илмий ва илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

## Тавсия этилаётган адабиётлар

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.,Ўзбекистон,2014й.76б
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни 1995 йил 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги фармони. 1999 йил 1 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори. 2006 йил 22 май.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 9 август 1998 йил (“Халқ сўзи” газетаси).
10. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги”қонуни. Халқ сўзи // 1999 йил 20 август.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисидаги” Қонуни
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” МКсини ташкил қилиш” тўғрисидаги фармони № ПФ-447 27 июль 1992 йил. //Халқ сўзи. 1992 йил 27 июль.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 ноябрдаги “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 497- сонли Қарори;
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сонли Қарори;
15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 13 сентябрда 1407-сон билан рўйхатга олинган “Туристларга кўрсатилган хизмат учун туристик фирмалар ва меҳмонхона мажмуаларидан йиғиладиган туристик йиғим тўғрисидаги низом”;
16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 ноябрда 1421-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасига туристларнинг келиш ва кетиш тартиби тўғрисидаги низом”;
17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 мартда 911- сон билан рўйхатга олинган “Туристлик хизматларни сертификатлаштириш тартиби”;
18. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
19. Каримов И.А. Ислохотлар муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.–Т.: Ўзбекистон, 2005.
20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎЗР Вазирлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир// Халқ сўзи. – 2003, 18-феврал.

21. Каримов И.А. Банк тизими, пул Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йид 21 январь./ И.А.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2011. – 48 бет.

### **Дарслик ва ўқув кўлланмалар.**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Алиева М.Т., Умаржонов А. “Туристлик мамлакатлар иктисодиёти” Т. Молия 2005 ийл. 339-бет.
2. Камилова Ф., “Ҳалқаро туризм бозори” Т., ТДИУ-2001 ийл.
3. Тухлиев И. “Туризм асослари” маъруза матнлари. Т.,2005 ийл.
4. Тухлиев И. “Туризмда стратегик маркетинг” ўқув кўлланма. СамИСИ, 2010 ийл.
5. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. -604 б.
6. Тухлиев И., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н., “Туризм асослари” ўқув кўлланма. СамИСИ, 2010 ийл.
7. Хасанова Л., “Основы туризма” Учебно-методический комплекс по дисциплин. Т., 2006 год.
8. Ирматов М.М. Алиева М.Т. ва бошқалар. Туризмни режалаштириш. Тошкент, 2015 -167б.
9. Жукова. М.Ж., Менеджемент в туристском бизнесе. Учебное пособие. –М. Финансы и статистика, 2015 -288стр.
10. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2015.г
11. Боголюбов В.С. Экономика туризма: Учебное пособие. - М.: Академия, 2015. - 192 с
12. Банковский менеджмент: учебник /кол. Авторы; под ред. Проф О.И.Лаврушина.- 2 изд.. переб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009.
13. Банковское дело: Учебник.-2-е изд., перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: Финансы и статистика, 2004. – 672 с.

#### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Биржаков М., “Введение в туризм”. Издательский торговый дом Герда., 2006 год.
2. Назарова Г., “Туризм ҳуқуқи” Тошкент 2003 йил.
3. Файзиева Ш. Р. “Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” Тошкент, 2015 й
4. Tourism: 2020 vision, Madrid, 1997, 21стр.
5. Исоқов Ж.”Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредитнинг роли ва унинг самарадорлиги” Т. “ИQTISOD-MOLIYA” 2012 йил.
6. Ниёзов З., Даминов Ф. “Банк хизматлари: ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари” Самарқанд 2009 йил.

**Интернет сайтлари:**

1. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
2. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.
3. [www.cbr.ru](http://www.cbr.ru) – Россия Федерацияси Марказий банки веб саҳифаси.
4. <http://sbrf.ru> – Россия ОАЖ Сбербанк веб саҳифаси.
5. <http://www.un.org/ru> – БМТ веб саҳифаси.
6. <http://www.economy.gov.ru/minec/activity/sections/strategicplanning>
7. <http://www.vtb.ru> – ОАЖ ВТБ банк веб саҳифаси.
8. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал захира тизими веб саҳифаси.
9. [www.nationalbank.kz](http://www.nationalbank.kz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.
10. <http://www.bis.org> – Халқаро ҳисоб-китоблар банки веб саҳифаси.
11. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.
12. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.
13. <http://www.uzpsb.uz> – ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” веб саҳифаси.